Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

● 20 февраль 1996 йил, сешанба ● № 15 (261)

Улуғ айёмингиз билан, азизлар!

Етти иқлим нафаси

ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА

Давлат думасининг иқтисодий сиёсат бўйича қўмитаси раиси муовини Виктор Машинский баёноти катта шов-шувга сабаб бўлди. Унинг айтишича, Россия хом ашё экспорти ўзининг юқори нуқтасига етиб бўлган, мамлакат тайёр маҳсулотини жаҳон бозорига чиқаришнинг эса, бирор истиқболи кўзга ташланмаяпти. В.Машинский ўз даъвосини Россия нефть маҳсулотлари баҳоси АҚШ никидан ўзиб кетганлиги билан изоҳлади. Бунинг сабаби фақат солиқларгина эмас, балки нефтни қайта ишлаш заводи сурункасига мўлжалдан кам маҳсулот ортиб жўнатмоқда. Бу эса, ишлаб чиқаришни самарасиз қилиб қўймоқда. Буларнинг барчаси Россия нефть хом ашёсини тўхтовсиз экспорти оқибатидир.

СИЁСИЙ БОШПАНА СЎРАШМОҚДА

Россия ташқи ишлар вазирлиги яқинда Пхеньянда бўлиб ўтган ҳодисани эътироф этди: КХДР фуқароси Россия элчихонаси ҳудудига бостириб кирган. У пистолет билан қуролланган бўлиб, элчихонага кириб келаётганда рўй берган отишмада Шимолий Кореялик соқчилар ҳалок бўлишган. Россияликлардан ҳеч ким жабр кўрмаган. Номаълум босқинчи (афтидан, унинг ёши 25 ларда) ўз-ўзини ўлдириш билан таҳдид солиб, сиёсий бошпана сўрамоқда.

УКРАИНА ФАЗОВИЙ УЧИШЛАР БОЗОРИДА

Американинг Rockwell international компанияси Украинанинг миллий космик агентлигига «Циклон» узатувчи-ракеталарини учириш бўйича нуфузли буюртмачилар топишга кўмаклашишни таклиф этди, дея хабар қилди агентлик бош директори Александр Негода. Америка томони «Цилон»дан фойдаланиш истиқболлари билан қаттиқ қизиқиб қолишган. Бунга сабаб унинг жаҳон фазовий бозори тараққиёти мавжуд талаб ва тенденцияларига мос бўлиб тушганлигидир.

«Циклон»нинг бир парвози 40 млн. долларга тушади. Космик фазога ракеталар учириш пешқадами Франциянинг «Arion» ракетасининг бир марталик учиш қиймати 80 млн. долларга тенг. Украина миллий космик агентлиги билан «Pjcrwell internatijnal» ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган

Хорижда

ПОЛЬША МИСИ УЧУН КУРАШ

Польша ҳукумати шу йилнинг Шарқий Европада энг катта хусусийлаштириш тадбирини амалга оширишни мамлакат инвестицион банкларидан бирига топширмоқчи. Гап энг йирик мис ишлаб чиқарувчи Polsra Miedz фирмаси халқаро аукционга қўйиш ҳақида кетмоқда. Компаниянинг қиймати 2 млрд АҚШ долларига тенг. Корхонани хусусийлаштиришда қатнашиш учун кураш қаттиқ бўлиши кутилаяпти. Чунки Polsra Miedz жаҳон мис заҳираларининг 5 фоизига эгалик қилади. Хусусийлаштириш бўйича 13 консорциум ўз режасини тақдим этди. Улар орасида энг йирик Америка ва Европа инвестицион банклари ва Польша тижорат банклари бор.

БРАЗИЛИЯ КОФЕСИ ЕТИШМАЯПТИ

Лондондаги товар биржасида кофе нархи яна ошиб кетди. Бразилияда ўтказилган ички кофе аукциони натижалари маълум бўлиши билан шу ҳол рўй берди. Аукцион натижалари Бразилия яқин орада ўзининг илгариги йирик экспортерлик ролини бажара олмайди, деган фикрни яна бир бор тасдиқлади. Бу мамлакат ўз ички эҳтиёжларини қондира олса ҳам катта гап.

ФАЛАСТИН САНОАТИ КЎРГАЗМАСИ

Исроил саноат ва савдо вазири Михи Хариш хабар беришича келгуси йил баҳорида тел-Авив ёки Рамат-Гамеда Фаластин мухторияти саноати ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмани ўтказишдан мақсад - Фаластин мухторияти билан Исроил ўртасидаги иқтисодий алоқаларни яхшилаш учун Исроил инвесторлиги ва савдогарларини жалб этишдан иборат.

ЙИРИК ЛОЙИҲА

Миср ва Исроил газ қазиб олиш соҳасида йирик лойиҳани ишлаб чиқмоқдалар. Миср, Америка ва Италиянинг Нил дельтасида иш олиб бораётган уч фирмаси ҳозир ишлаб турган икки қудуқдаги газ заҳиралари 20 йилга етишини тасдиқладилар. Улик денгиз худудида янги нефть қудуғини қазиш бўйича лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирча у бурғлаш ишлари бошланадиган ягона қудуқдир. Лойиҳанинг тахминий баҳоси 10 миллион АҚШ долларига тенг.

Наманган вилоятидаги Уйчи ип-йигирув фабрикасининг маҳсулот сифатини текширувчи лабораториясида 12 ходим ишлайди. Фабрика махсулотларининг сифатли бўлишида уларнинг хизмати катта

Суратда: лаборатория раҳбари Р. Ирисқулова.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА сурати.

Иқтисодиёт хабарлари

ИССИҚХОНАДАН ПЕШТАХТАГА

Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган. Хўжалик меҳнаткашлари йил ўн икки ой тиним билмасдан ишлашади. Уларнинг пешона тери билан бунёдга келаётган маҳсулотлар шаҳар аҳолиси дастурхонини безайди, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳозир бу ерда иш ҳар қачонгидан қизғин. Улкан майдондаги иссиқхонада мева ва сабзавотлар ғарқ пишиб етилган. Хўжаликнинг Собиржон Нишонов, Абдуҳалим Собировлар бошлиқ бригадалари соҳибкорлари ҳосилни пешма-пеш йиғиштириб олаяптилар. Тансиқ ноз-неъматлар вилоят ва туман марказларидаги хўжаликка қарашли 17 фирма дўконларига етказиб берилмоқда. Ҳозиргача 1 тоннага яқин помидор ва бодринг, ярим тонна атрофида лимон, анчагина миқдорда турли хил кўкатлар сотувга чиқарилди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ.
«Ишонч» мухбири.

УН ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

Оқолтин туманидаги А.Тоиров номли хўжалик худудида ун заводи қурилиши ниҳоясига етди. У суткасига 40 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Туманнинг «Фарғона» қишлоғи ҳудудида ҳам ун заводи қурилиши бошлаб юборилди. Бобур номли хўжаликда хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда яна бир қайта ишлаш корхонаси барпо этиш мўлжалланмоқда. Зарур асбоб ускуналар тахт.

Халқ дастурхонини тўкин-сочин қилиш йўлидаги бундай хайрли ишлар яқин орада ўзининг ижобий самараларини беради, албатта.

«Ишонч» мухбири.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Навоий вилоятида чет эл сармояларини жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш учун катта имкониятлар мавжуд. Ҳозирча 19 та лойиҳа ҳужжатлари танлаб олинди. Бу мақсадлар учун 200 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб этилади. Бозор талабига мос, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун АҚШ, ГФР, Буюк Британия, Испания, Туркия, Исроил давлатларининг фирма ва компаниялари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузилган. Россия Федерацияси билан ҳам иқтисодий интеграцион жараёнлар ривожланаяпти. Санкт-Петербург, Киров, Ярославль ва бошқа шаҳарларнинг савдо-саноат гуруҳлари билан тузилган битимларга асосан маҳсулот айирбошлаш ҳажми кўпаймоқда. Бу эса ички бозорни тўлдириш, аҳоли таъминотини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаяпти.

А.ҲАСАНОВ.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

«ДУНЁ ТОЖИРЛАР БИЛАН ОБОДДИР...»

Тадбиркор маънавияти
Бозор - миллат шаъни
Тадбиркорлик сирли тарновми?
Савдогари саҳий юрт обод бўлади.
«Олой» бозорининг «Чиял» бозоридан фарқи нимада?

Тадбиркорлик халқимизнинг асли қонида бор. Олис аждодларимиз ҳаётига назар ташласак, бизда ҳамма вақт, ҳар қандай ҳолатларда ҳам етти ўлчаб бир кесилгани, тадбиркорлик билан иш тутилгани, айни шу фазилат сабаб не-не ёғийлар енгилиб, не-не офатларнинг олди олингани маълум бўлади. Бутун дунёга машҳур Буюк Ипак йўли - қадим Турон заминда тадбиркорликка нечоғли аҳамият берилгани, ота-боболаримиз бу иш билан энг аввало юрт, миллат манфаатларини ўйлаб шуғулланганликлари далолатидир.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу ишга жиддий эътибор берган. У ўзининг буюк салтанатини барпо этиш йўлида, ўз маҳобати билан бани башарни ҳамон ҳайратга солиб турган нодир биноларни қурдиришда олис-олислардан усталар, ҳунармандлар, муҳандислар олиб келган. Соҳибқироннинг Оврупо қироллари билан ёзишмаларида мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйиш, тожирлар учун барча шароитларни яратиб бериш лозимлиги алоҳида таъкидланди, «Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки,-деб таъкидлайди Амир Темур Франгистон қироли Карл УІ га йўллаган номасида,- бизга муборак мактубларини ҳамиша йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликларидан хабардор этиб, бу соҳада хотиримизни жам қилгай. Яна, ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг ҳурмат-эътиборларини бажо келтирсак, уларнинг ҳурмат-иззатлари сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, зиён етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир...»

Соҳибқироннинг Карл УІ га йўллаган бошқа бир номасида шундай сатрлар бор: «Бизнинг истагимиз - сизнинг саломатлигингиз устивор бўлсин: сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки эътиборли мамлакат ўртасила ўзаро бориш-келиш қилсинлар, токи сизнинг ва бизнинг улуғворлигимиз ҳамма ерда мақтовга лойиқ бўлсин. Тижорат ишларининг фойдали бўлувига ҳам эришайлик...»

x x x

Тадбиркорлик нима у? Касбми, истеъдодми ё отадан болага, авлоддан-авлодга ўтувчи илоҳий иноятми? Бу саволларга бир сўз билан жавоб бериш қийин. Бунинг боиси шуки, бугун - бозор муносабатларига ўтилаётган бир пайтда тадбиркорлик иши маълум маънода қоришиб кетди. Бозорга қаранг - ким яратувчи, ким деҳқон, ким олиб сотар, ким пихини ёрган муттаҳам - билиб бўлмай қолди. Эрта баҳордан то кеч кузга қадар далада тер тўккан Алиқулдан кўра бозор эшиги олдида кўтара савдо қилаётган Валиқулнинг даромади кўп. Иккинчидан, иссиққина иш жойларини ташлаб бирданига тадбиркор бўлиб қолаётганларнинг ҳаммаси ҳам ишни қойиллатаётгани, даромад топаётгани йўқ. Пурим кийиниб, бўйнига тилло занжир илиб, кўрсатгич бармоғида иномарканинг калитини ўйнаб юрганларнинг қанчаси, аслида, тадбиркорлик кўчасига тасодифан кириб қолган кимсалардир.

Ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада бўлганидек, тадбиркорликнинг ҳам ўзига яраша шарт-шароитлари, паст-баландликлари мавжуд. Даромад деганингиз бу йўлга кирган кишининг ҳамёнига худди тарновдан қуйилаётгандай оқиб келавермайди. Бундай сирли тарновнинг ўзи йўқ. Биз узоқ йиллар давомида социалистик иқтисод асосларини, меҳнатни ташкил этишни, унга ҳақ тўлашни, фойда ва даромадни, мулкка муносабатни Маркс домла «Капитал»да қандай ёзган бўлсалар шундай ўқийвердик, аммо ҳаётда бу тушунчалар мутлақо бошқача эканлигига аҳамият бермадик. Иқтисоднинг сиёсатлашуви социализм дунёсини муқаррар ҳалокат ёқасига олиб келмагунча хушёр тортмадик.

Тадбиркор ким? Унинг бошқалардан фарқи нимада?

У ноёб истеъдод эгаси десак муболаға бўлмайди. Бундай одам нафақат ўз соҳасини, айни пайтда бошқа соҳаларни ҳам, нафақат ўз яшаш жойи, маҳалласи, айни пайтда қўшни шаҳарлар, вилоятлар зарур бўлса ундан-да нарироқдаги об-ҳаво, нарх-навони ҳам яхши билади. Қаерда нима бор, қандай имкониятлар мавжуд, у ёки бу нарсага эҳтиёж қанча, беш-олти ойдан кейин бозор нимани талаб қилади, харидор нимани сўрайди - буларнинг ҳаммасини бошқалардан кўра аввалроқ, равшанроқ кўради, сезади. Шунинг учун ҳам бундай кишиларни тадбиркор, ишбилги деб аташади. Яна бир жиҳати, тадбиркор одам саҳоватпеша бўлади. Ўрни келиб қолганда қўли очиқлик қилади, мурувват кўрсатади, унча-мунча харажатнинг бетига қарамайди. Лекин, мундоғ кўрсангиз, бу ҳаражатлар ҳам беҳудага эмас. Унинг учун муҳими - одамларнинг ишончи, меҳри. Қарабсизки, бугун сарфланган бир сўм эртага ё индинга кам деганда уч сўм бўлиб қайтиб келади. Ўрмоқ, йиғиштирмоқ учун аввал экиш, сочиш керак, деган нақлга улар қатъий амал қиладилар.

Қадимда тижорат аҳли ҳурматини жойига қўйишган. Чунки улар элларни-элларга, юртларни-юртларга боғлаганлар, савдо-сотиқ баҳона икки ўртада бордикелдилар бўлган, икки томон учун ҳам манфаатли алоқалар ўрнатилган, тожирлар нифоқлашаётган томонларни яраштирганлар, гина-кудуратларнинг унутилишига сабабчи бўлганлар. Бундан ташқари, савдогарлар олич юртлардан, ўзга диёрлардан қайтар эканлар, кўрган-кечирганларини, бошқа мамлакатлар одамларининг урф-одатлари, туриш-турмушлари тўғрисида эл-юртга сўзлаб берганлар, «фалон жойликларнинг мана бундоқ яхши одати бор экан, мана бундоқ иш тутишар экан», дея ижобий нарсаларни ибрат қилиб кўрсатганлар. Савдо қилиш учун бир юртдан иккинчи юртга борган киши ўзи, мамлакати, эли ҳақида яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилган, сафари давомида беадаблик, гирромлик қилмаган, бировнинг мулкига кўз олайтирмаган. Савдо аҳли халқлар ўртасида ҳалоллик, поклик, диёнатлилик элчилари ҳам бўлишган.

Қўқондаги «Роҳат» савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, таниқли тадбиркор Нурилла ҳожи Абдуллаевнинг фикрича, савдогарлик минг йиллардан бери «Ҳунарларнинг гули, янгилик элчиси» сифатида таърифланиб келади. Бу тоифа кишилар халқлар ўртасида маданият ва маърифат элтувчи кўприк, йўл вазифасини ҳам бажарганлар. Араб халқининг машҳур «Минг бир кеча» эртакларида, халқимизнинг эртак ва ривоятларида савдогарлик фазилатлари жуда чиройли тасвирланган. Шуниси диққатта сазоворки, ўтмишда савдо-тижорат аҳли махсус мактабларни битирмаган бўлсалар-да ҳаёт мактабида савод чиқариб, одамийлик, поклик, мурувватпешалик бобида бошқаларга ибрат намунаси бўлиб келишган.

Нурилла аканинг яқинда босмадан чиққан «Савдогарнинг 101 сири» деб номланган рисоласида шундай сатрлар бор: « Улуғ бобомиз Амир Темур ҳазратлари «Подшоси одил, савдогари саҳий юрт обод бўлади», дея башорат қилган эканлар... Одиллик мамлакатнинг пойдевори бўлса, саҳийлик, мурувватпешалик ўша пойдеворга қўйилган устунлардир. Пойдевори ва устунлари мустаҳкам бўлган давлатнинг келажаги порлоқ бўлиши табиий. Буни юртимиз мисолида ҳам кўриб турибмиз. Президентимиз бошчилигида аҳолини бозор иқтисодиёти шароитларида ижтимоий муҳофаза қилиш, ички бозорни мол билан тўлдириш, таъминотни яхшилаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат бунинг яққол далилидир. Савдогарлар эса, маълум маънода, ўша сиёсатни тарғиб қилувчилар, амалга оширувчилардир...»

Собиқ мустабид тузум тадбиркорнинг қўлини, тафаккурини боғлаб қўйганди. Бундайин таъқиқ дунёдаги энг оддий инсоний тамойилларга зид бўлса-да, тадбиркорликка ўгай кўз билан қаралар эди. Бу нарса совет қонунчилигида ҳам ўз аксини топганди. Мана бугун, мустақиллик шароитида биз ўзаро товар айирбошлаш, нақд пул муомаласини камайтириб зарур маҳсулотни зарур маҳсулотга алмаштириш, даллолларсиз бевосита муомала қилиш усулларини жорий этмоқдамиз. Олтмишинчи йиллари не-не тадбиркорлар айни мана шундай саъй-ҳаракатлари учун айбланиб не-не маломатларга қолмадилар. Уларнинг ягона айби - воқеалар ривожини аввалдан кўра олганлари, бизда уюлиб ётган нарсаларни тақчил нарсаларга айирбош қилганлари, пештахталарни собиқ иттифоқнинг турли бурчакларида ишлаб чиқарилган турфа хил товарлар - кийим-кечак, қурилиш ва саноат моллари билан тўлдириб ташлаганлари эди. Шулардан бири - Наманган вилоятининг Заркент қишлоғидан чиққан тадбиркор Тўрахўжа Ҳасанов эди.

Олтмишинчи йиллари Заркент «селпо»сининг номи бутун иттифоққа ёйилиб: машҳурликда унга тенг келадиган бундайин ташкилот йўқ эди: чамамда. Қишлоқ марказида қурилган «Тилла магазин» азбаройи чиройли қурилгани, зарҳал нақшлари, жимжимадор пештоқлари учун одамлар уни шундай деб аташганди) пештахталари, омборлари турфа хил товарлар билан тўла, хоҳлаган нарсангизни истаган пайтингизда олиб кетавердингиз. Эрта азондан харидорлар ёғилиб келарди - бу ёғи Наманган, Андижон, бу ёғи Косонсой, Чуст, Поп, то Қўқону Марғилонгача... Қўшни Қирғизистоннинг Олабуқа, Янгийўл туманларидан, Саночсойнинг бошида, Саричелек кўли атрофларида яшайдиган қирғиз қишлоқлардан мижозлар отда, эшакда, аравада, пиёда келишарди. Ёйма савдо бўладиган кунлари бир кун аввал келиб қишлоқдаги таниш-билишларииникида тунаб қолишарди. Лекин қуруқ келишмади, бир қоп ёнғоқми, пистами олмақоқи, нокқоқи ё туршакми, сабзи-пиёзми - ишқилиб сотишга арзигулик нималари бўлса эшакка ортиб келишарди-да «селпо»нинг омборига топшириб ўша ернинг ўзларига керак маҳсулотга айирбошлашар ёки пулини олиб бола-чақага кийим-кечак қилишарди.

Бирор нима олиб келганингизда раҳбарлар ўша пайт бўлишмаса «Селпо»нинг оддий ходимлари ва ҳатто қоровул Машраб бува билан ҳам ишингиз битаверарди.

Тўрахўжа ака кўпни кўрган одам эди. Наинки қишлоқдошлари чор атрофдагиларни ҳам яхши танир, иссиқ-совуқ маркаларда қатнашар, кимнинг қўлидан нима иш келади, кимнинг боғи бор, кимда қанақа мева бор, ким ночор, ким фақир - буларнинг ҳаммасини беш бармоғидай яхши биларди. Қишлоқма қишлоқ юриб гуллаб турган олмангиз тагида кузги ҳосил устидан «закалат» ҳам бериб кетаверар,қийналиб қолган бўлсангиз бир нима ёрдам қилмай кетмасди.

Заркентликлар, сафедбулонликлар, нанай ва мамайликлар Тошкент, Қўқонга келиб олма сотишни олтмишинчи йилларнинг ўрталарида бошлашди. Авваллари бунақа иш ҳеч кимнинг ҳатто хаёлига ҳам келмаган. Онда-сонда битта-яримта уддабуррон оламни қопга жойлаб, «гурзотакси»га уриб шаҳарга тушмаса, бошлиқларнинг меваси қишлоқнинг ўзида қолар, ейилганича ейилар, меҳмонга қўйилар, қолгани ачиб-чириб кетар эди. Тўрахўжа ака ва унинг сафдошлари Заркентда, ўнлаб қўшни қишлоқларда қуруқ мева тайёрлашни йўлга қўйдилар. Паррак-паррак қилиб қуритиш, сифатига эътибор бериш бошланди. Чунки қоқнинг нархи сифатига қараб ўзгариб турарди. Одамлар мева қуритиб тирикчилик қила бошладилар. Ортиқча олма, нок, олмурут исроф бўлмайдиган бўлди. Қувонарлиси шуки, агар зарур бўлиб қолса оғзаки «битим» тузиб, кузги ҳосил устидан озроқ қарз кўтариш ҳам мумкин эди. Тўй-маърака қилмоқчи бўлган одам гуручни, ёғни, келин-куёвларнинг сарпосини шу жойдан бемалол олишаверарди.

Орадан кўп ўтмай Заркент селпосининг Россия шаҳарларида ўнлаб магазинлари очилди. Тўрахўжа ака аҳолидан йиғиладиган ортиқча маҳсулотни россиялик шерикларга кўтара сотгандан кўра селпога қарашли магазинлар очиб ўзлари сотишса, у ердан олинадиган товарларни ўзлари олишса даромад яна ортиши мумкинлигини ҳисоблаб чиққан эди. Ўша пайтлари бундай селполар Москвага «Центросоюз»га қарарди, унинг раҳбарлари иттифоқнинг олис бир чеккасида биринчилар қаторида «бартер» усулини жорий этган Тўрахўжа Ҳасановни яхши билишарди. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг марказий шаҳарларида магазин очиш тўғрисидаги илтимослар бетўхтов қондирилди. Аммо орадан кўп ўтмай иш чаппасидан кетди. Собиқ тузумнинг ғайриахлоқий мафкураси, тадбиркорликни, ишбилармонликни тиш-тирноғи билан қоралайдиган сиёсати қўплаб зукко, ишбилги одамлар қаторида Тўрахўжа акани ҳам ўз домига тортди. Магазинлар ёпилди, омборлар ҳувиллаб қолди, «Тилла магазин»га кўз тегди.

Ўйлаб қоламан. Фойдали бир иш қилай элимга, юртимга нафим тегсин, дея елиб-югурганлар ва оқибат натижада, ноҳақ жабрланганлар оз эмас эди ўшанда. Тўғри, улар, эҳтимол камчиликларга йўл қўйишгандир, у ёки бу ҳолатда ўша эски, бирёқлама талабаларни, мафкура тамойилларини ҳатлаб ўтишгандир. Аммо, ниятлари холис, диллари тоза эди. Айни мана шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрадиган, Тўрахўжа акага ўхшаган фидоийлар фаолиятини ўрганадиган, улар тўғрисида рисолалар ёзадиган пайт келди.

(Давоми 2-бетда)

Касаба уюшма ҳаёти

ТОВОННИ АЙБДОР ТЎЛАЙДИ

ёки аҳолининг ариза ва шикоятларига эътибор қандай?

Меҳнаткашлар энг оммавий ташкилот ҳисобланган касаба уюшмаларига турли масалалар билан мурожаат қилишади. Уларнинг аризалари, шикоят ва хатлари билан танишарканмиз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг бу борада куйиниб айтган сўзлари нақадар ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

— Бечора деҳқон қаерга борсин? — деган эди юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисларидан бирида. — Прокурорга борса, хар хил ваҳимали қонунлар билан бошини қотириб ташлайди, милиция қулоқ солмайди, ҳокимнинг эса вақти йўқ. Бундай вазият эртага одамларнинг ҳокимиятга, тузумга ишончини йўқотишга олиб келади. Адолат топталган жойда норозилик, адоват, зиддият, қарама-қаршилик пайдо бўлади.

Қўлимизда 9 та ариза ва шикоят. Улар ортида эса шунча тақдир. Ўйлаб қоласан киши. Нима учун аризачилар ногиронлик нафақаларини ўз вақтида ололмаятилар?

— Ишлаб чиқаришда жароҳат олгач, — деб ёзади Боёвут аҳоли қўрғонида яшовчи Иван Павленко, — 80 фоиз меҳнат қобилиятидан маҳрум бўлдим. Бироқ вилоят насослар станцияси маъмурияти ҳозирга қадар менга ногиронлик учун товон пулини тўламай келяпти.

Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича мудири А. Адуллаев аралашмаганда, бу шикоят ҳануз ҳаракатсиз ётган бўлармиди... 1995 йил 12 июль куни ўтказилган текширишда бошқарма раҳбарлари хатога йўл қўйганликларини тан олдилар. И. Павленкога товон пулини ойма-ой тўлаб боришга қарор қилинди.

Афсуски, Боёвут туманида ночор ҳамюртларимиз дардига лоқайд қарайдиган раҳбарлар яна бор экан. Бунинг тасдиғини «Ўзқишлоққиме»нинг туман ташкилотида ишлаган Исмоил Худойбердиев шикоятномаси мисолида кўрдик.

— Мен, — деб ёзади у, — туман ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш идорасида тракторчилик қилардим. Бахтсиз ҳодиса сабабли тан жароҳати олганимдан сўнг, касаба уюшмасидан ходимлар келиб текширишди. Дастлаб III гуруҳ ногиронлиги беришиб, кейин II гуруҳга ўтказишди. Бироқ менга фақат бир ой товон тўлашди, кейин эса унутишди. Шу масалани ҳал этишда ёрдам кўрсатишингизни сўрайман...

Раҳбарнинг гўри — ходимнинг шўри, деб шунга айтишса керак. Аслида меҳнатдан жароҳатланиш ҳоллари учун ким айбдор? Албатта, ношуд раҳбар. Ишга касаба уюшма ходимлари аралашгач, собиқ тракторчи, ҳозирда меҳнат ногирони Исмоил Худойбердиев ҳар ойда 1512 сўмдан товон пули ола бошлади.

Шу мазмундаги яна бир шикоятга тўхталайлик. У Мирзаобод туманидан келган. «Мирзо Улуғбек номли ширкатлар уюшмасида 1995 йилдан бери ишлаб келдим, — деб ёзади Ислом Иммомқулов. — Ҳозир 11 гуруҳ меҳнат ногирониман. Лекин 1994 йил август ойидан бери тегишли товон пулини тўлашмаяпти. Хўжалик раҳбари С. Андақуловга учрашсам, дардимни эшитгиси «йўқ».

Ушбу хўжалик ҳудудида яшовчи 11 гуруҳ меҳнат ногирони Аллабой Одилов ҳам 6 ой давомида товон пулини ололмай сарсон бўлган. Масала ўз вақтида ҳал этилганида юқори идораларга шикоят ёзилмаслиги ҳам мумкин эди. Начора, мутасаддилар адолат овозига ўз вақтида қулоқ солмаганлар. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ёрдами билан юқорида тилга олинган арзчиларнинг талаби қондирилди.

Энди Гулистон туманидаги 3-йўл қурилиши бошқармаси собиқ ходими Ю. Левиннинг сўзларига қулоқ солинг: «1964-1993 йиллар мобайнида экскаватор машинисти бўлиб ишладим. 1991 йилда ўнг қўлимдан жароҳатландим. Тошкентда тўртой даволандим. У ерда менга III гуруҳ ногиронлигини беришди. Меҳнат қобилиятим 50 фоизга йўқолганига қарамай, 1993 йилгача ўз ишимни давом эттирдим. Саломатлигим борган сари ёмонлашди. Шу боис Гулистон шаҳар тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси қарорига кўра мени II гуруҳ ногиронлигига ўтказишди. Бироқ ҳисобхона энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида товон пули тўлаяпти. Маъмурият ва касабақўмга қилган мурожаатларим натижа бермаяпти. Қани адолат, қани инсоф?»

Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг қонуний талаби билан ҳақ жойида қарор топди. Айбдорларга тегишли чора кўрилди. Ҳозир собиқ экскаваторчи Ю. Левинга энг кам ойлик иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида товон пули тўланаяпти.

Касаба уюшмалари кенгашига бошқа масалалар бўйича мурожаат қилаётган фуқаролар ҳам оз эмас. Масалан, Гулистон шаҳридан II гуруҳ ногирони Константин Ким бизга хат ёзиб, товон пули миқдорини оширишда ёрдам кўрсатишимизни сўраган эди. Маълум бўлишича, у 1972 йилда электр тармоқлари вилоят корхонасида электрмонтер бўлиб ишлаётганда баландликдан йиқилиб, оғир жароҳатланган. Корхона товон пулини тўлаб келяпти, бироқ бозор иқтисоди шароитида кексалик нафақаси тирикчилик учун етмаётир.

Мазкур мурожаатнома вилоят электр тармоқлари корхонасига касаба-қўм раиси, режа бўлим бошлиғи ва аризачи иштирокида ҳар томонлама кўриб чиқилди. Товон пули миқдорини ошириш мумкинлиги амалдаги қонунчиликда кўзда тутилмаганлиги К. Кимга тушунтирилди ва у жавобдан қаноат ҳосил қилди.

Навбатдаги ариза Оқолтин туманидан. 1991 йилда собиқ У. Юсупов номли совхозда ишлаб турган пайтда бахтсиз ҳодиса сабабли оламдан ўтган ходимнинг рафиқаси — Ҳабиба Муҳаррабова бизга мурожаат қилиб, адолатни тиклашда ёрдам беришимизни сўрайди. Маълум бўлишича, хўжалик маъмурият томонидан марҳумнинг фарзандларига нафақа тайинланган. Лекин кейинги ойларда ана шу нафақа ўз вақтида берилмаган.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши аралашгандан кейин масала ойдинлашди. Хўжалик бош ҳисобчиси Юсуф Эштоевнинг тушунтириш хатида билдиришича, бу нафақа пули Оқолтин тумани ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўлаб борилиши керак эмиш!

Тегишли қонун-қоидалар тушунтирилгач, Ю. Эштоев ўз хатосини бўйнига олди. 1994 йилнинг барча ойлари учун товон пули ҳисоблаб чиқилди ва аризачи Ҳабиба Муҳаррабованинг талаби қондирилди.

Энди бир ўйлаб кўрайлик: ўлган ўлиб кетди, унинг хотирасини унутиш мусулмончиликка тўғри келадими? Бир уй сағир бола-чақа билан қолган муштипар аёлни сарсон қилиш кимга ва нима учун керак бўлдийкин?

П. ДЎСТМАМАТОВ,
касаба уюшмалари Сирдарё вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири.
Н. ҚОСИМОВА,
«ИШОНЧ» мухбири.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 4 та ҳиссадор жамоалар қатнашди. Номинал баҳолари 100 сўм бўлгани ҳолда Хоразм вилояти «Ҳурмат» жамоасининг акциялари 860 сўмдан, Андижон вилояти «Чинор» жамоаси ҳам ўзларининг 1549 та акцияларини 860 сўмдан сотдилар. Жами сотилган 3677 та оддий акциялар суммаси 2764200 сўмни ташкил қилди.

* * *

Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимлари ўтган ҳафта давомида 8 та ким ошди савдоси ва танловларини амалга оширди. Тадбиркор ва сармоядорларга магазинлар, қаҳвахоналар, меҳмохоналар, ер майдонлари ва турли русумдаги автомашиналар таклиф этилди. Ҳафта мобайнида 314 та иншоотлар сотилди. Шулардан 6 та маиший ва техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, қурилиши тугалланмаган иншоотлар, 7 та турар жой, 51 та турли русумдаги автомашиналар, 217 та ер майдонлари янги мулкдорлар қўлига ўтди. Савдога қўйилган барча кўчмас мулк иншоотларининг сотилиш нархи 21,8 миллион сўмни ташкил этди. Айниқса Наманган вилоятида савдо шаҳобчалари қуриладиган ва умрбод мерос бўлиб қоладиган 181 та ер майдонлари сотилди ва улар 1601,5 минг сўмни, Тошкентда эса 20 та ер майдонлари сотилиб, 2325,7 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бирининг сотилиш баҳоси 1 млн. 700 минг сўмдан 2 та турар жой биноси ҳам сотилди.

Молиявий соҳа янгиликлари

«ДОЙЧЕ БАНК», САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, юртимизда халқаро ташкилотлар ва молиявий муассасаларнинг ваколатхоналари, чет эллардаги машҳур фирмалар ва банкларнинг филиаллари бирин-кетин очила бошлади. Бугунги кунда хорижий банкларнинг тўртта ваколатхонаси республикамизда ишлаб турипти. Булар «Росскредит» (Россия), «Мейбанк» (Малайзия) ва «Берлинер банк», «Дойче банк» (Олмония) ваколатхоналаридир.

«Дойче банк АГ» ва унинг Тошкентдаги ваколатхонаси фаолияти тўғрисида журналист Фарҳод РАСУЛОВ мазкур ваколатхона бошлиғи жаноб Удо БЕРГОЛЬЦ билан суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбатни келтирамиз:

-Жаноб Берггольц, «Дойче банк» ҳақида рўзномамиз муштарийларига қисқача маълумот беришингизни илтимос қиламиз.

-Бажонидил сизга айтсам, «Дойче банк АГ»га 1870 йили Берлинда асос солинди. Бундан кузатилган мақсад немис давлатининг экспорт ва импорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлди. Бу банк ўша пайтларда жаҳон савдо-сотиқ ишларини маблағ билан таъминлаб турган барча инглиз банклари билан ўзига хос тарзда рақобатлаша оладиган молиявий муассаса сифатида ташкил топди. Олмониядаги бир гуруҳ банклар ҳамда хусусий шахслар «Дойче банк» нинг таъсисчилари бўлишди. Шуни айтиш керакки, бизнинг банкимиз ҳалол банк ҳисобланади. Банк ҳиссадорларининг умумий сони 278 мингтага етди. Шундан 58 минг нафари хусусий шахслардир. Банк тўплаган маблағ 2 миллиард 492 миллион дойч маркани ташкил этади. Банк чиқарган акцияларнинг ярми хорижликлар қўлидадир. Бизнинг акцияларимиз жаҳондаги энг йирик биржаларда: Токио, Нью-Йорк, Сингапур биржаларида сотилмоқда. «Дойче банк» филиалларини дунёнинг турли мамлакатларида учратиш мумкин. Ҳозир бу филиаллар сони 2.400 тадан ошиб кетди.

-Дойче банк» ҳозир жаҳондаги энг йирик банклардан бири ҳисобланади дейишади. Шу гап тўғрими?

-Ҳа, тўғри. Япония банклари дастлабки етти ўринни эгаллаб турипшпти. «Дойче банк»нинг мақсади ана шу банклардан орқада қолмаслик ва дастлабки ўнта йирик банклар қаторидан мустаҳкам ўрин олишдан иборат. Бизнинг банкимиз рейтинг берувчи мустақил фирмалардан энг яхши «ААА» рейтингини олишга мушарраф бўлган жаҳондаги учта шахсий банклардан бири ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, банкнинг жамики пул маблағлари ҳамда акциялари йўқотилиш хавфидан муҳофазаланган.

-Банк раҳбарлари ким?

-Банк фаолиятига 13 кишидан иборат бошқарув органи раҳбарлик қилади. Хилмар Коппер жаноблари бошқарув спикери этиб сайланган. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси мамлакат ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам муайян музофот доирасида масъулдир. Масалан, Марказий Осиё музофоти жаноб Георг Круппга бириктирилган.

-Дойче банк»да бошқа банкларнинг маблағлари сақланадими?

-Жаҳондаги кўпгина йирик банклар ўз валюта заҳираларининг бир қисмини бизда сақлайди.

-Банк бозорларидаги ҳиссангизни билмоқчимиз.

-Олмония Федератив Республикасининг банк бозорларидаги ҳиссамиз 5,2 фоизни, Оврупа бозорларидаги ҳиссамиз 2,7 фоизни ташкил қилади. Бироқ, «Дойче банк»нинг ташқи бозорга йўналтирилган фаолиятини ҳисобга оладиган бўлсак, Олмония амалга ошираётган барча ташқи савдо-сотиқ жараёнларидаги ишларнинг 20-25 фоизи бизнинг ҳиссамизга тўғри келади.

-ОФР да қанча банк бор?

-Мамлакатимизда 3 мингга яқин банк бор. Улар ҳар хил, майда-чуйда банклардан тортиб то йирикларигача мавжуд. Шундан 300 таси хусусий банклардир. «Дойче банк»дан ташқари яна 2 та банк - «Дрезднер банк АГ» ва «Коммерцбанк АГ» айниқса машҳур.

-»Дойче банк»нинг Тошкентдаги ваколатхонаси фаолияти тўғрисида гапириб берсангиз.

-Ваколатхона 1993 йил сентябрь ойида очилган. Жаноб Крупп Республикамиз Президенти И.А.Каримов билан учрашганидан сўнг бу масала ҳал қилинди. Мамлакатимизда амал қилаётган қонунларга кўра биз Ўзбекистон корхоналарига бевосита кредит ажратишга ҳақли эмасмиз. Шу боис билвосита кредит бериш йўлини тутдик. Масалан, ана шу йўл билан Ўзбекистонга қишлоқ хўжалиги техникаси, озиқ-овқат, кимё ва металлургия саноати учун ускуналар етказиб берилди. Ўтган йили жами 112 миллион дойч марка миқдорида ёрдам кўрсатилди. Бу йил ҳам шунга миқдорда маблағ ажратилади деб ўйлайман.

-Жаноб Берггольц, ўзингиз ҳақингизда бир неча оғиз сўз айтишингизни истаймиз.

-Ҳа, майли, айтсам айта қолай. «Дойче банк»да 1977 йилдан бери ишлайман. Дастлаб марказий аппаратда таълим олдим, сўнгра банкнинг ОФР турли шаҳарларида жойлашган бўлимларида, Франкфурт-Майн шаҳридаги қароргоҳида меҳнат қилдим. 1983-1988 йилларда Москвадаги ваколатхонамиз бошлиғининг муовини вазифасини бажардим. 1993 йилдан то ҳозирга қадар эса «Дойче банк»нинг Тошкентдаги ваколатхонасига бошчилик қилаяпман. Уйланганман. Инглиз, лотин ва рус йилларини биламан.

-Банклараро ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?

-Бизнинг банкимиз Ўзбекистон Республикасидаги бир қатор банклар билан, масалан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Саноат-қурилиш банки, «Пахтабанк», Ўзбекистон -Туркия банки, «Туронбанк», «Ипак йўли» банки билан дуруст ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар билан мухбирлик муносабатлари ўрнатилган. Ваколатхонамиз мазкур банклар томонидан амалга ошириладиган тўлов жараёнларига кўмаклашмоқда.

-Ўзбекистоннинг банк бозордаги вазиятни қандай баҳолайсиз?

Аввало шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда бу соҳадаги аҳвол МДҲдаги бошқа мамлакатларга нисбатан анча дуруст. Масалан, Россияни олайлик. У ерда Ташқи иқтисодий банк ва экспорт-импорт банки азалдан мавжуд. Бу банклар Россиянинг ташқи савдо-сотиқ фаолиятини маблағ билан таъминлаб туради. Аммо Ташқи иқтисодий банк ҳиссаси тобора камайиб бораяпти. Ташқи савдога хизмат қилувчи 100 та банкни дарҳол ишга солиб бўлмайди. Уларнинг сармояси ҳам, тажрибаси ҳам йўқ. Буларнинг бари вақт ўтиши билан пайдо бўлади. Сизнинг юртингизда эса аксарият жараёнларни чет эл валютасида айтиги битта банк, яъни Миллий банк бажариб келмоқда. Буни мен ижобий жиҳат деб биламан.

Банк соҳиблари таъбири билан айтганда, ҳозир Ўзбекистон банклари таваккалчиликка дуппа-дуруст қўл урдилар. Улар бу ишда ютқизмайдилар деб ўйлайман.

Вақт ўтиши билан Миллий банкнинг аҳамияти камая боради, чунки бошқа банклар пайдо бўлиб, куч тўплай бошлайди ва унга рақобатдош бўлиб қолишади. Ўзингизга яхши маълумки, рақобатлашув муҳити банклар фаолиятини кучайтиради.

-Жаноб Берггольц, келгусида Ўзбекистонда «Дойче банк» филиалини очиш имконияти борми?

-Шундай режа бор, албатта.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бизнинг банкимиз жаҳондаги энг истиқболли банклардан бири ҳисобланади. Ҳозирча Москва шаҳрида ҳам филиалимиз йўқ. «Дойче банк» филиаллари Прагада, Варшавада очилган. Ветнамдаги филиалимиз анча дуруст ишлаяпти. Натижада бу мамлакат жаҳон савдо-сотиқ доирасига фаол қўшилиб олди.

Вақти келиб сизларда ҳам «Дойче банк» филиали очилишига ва ҳамкорлигимиз янада равнақ топишига ишонаман.

-Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

-Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ошишига тилакдошман.

(Боши 1-бетда)

Мустақилликка эришилган дастлабки кунлардаёқ олдимизда бирбиридан муҳим, бири биридан долзарб вазифалар турарди. Жамиятни тамомила янгилаш, бошқарув системасини тубдан ўзгартириш, ички ва ташқи сиёсат асослари, тамойилларини ишлаб чиқиш, янгича шароитларда аҳволи турли қатламларини ҳимоя остига олиш зарур эди. Буларнинг ҳаммасини бир вақтнинг ўзида бажариш лозим эди, бирига бугун эътибор бериб, иккинчисини эртага қолдириш мумкин эмасди. Ана шу вазифалар ичида биз учун тамомила янгиси - мулкка муносабат масаласи эди. Президентимиз Ислом Каримов мустақиллик тақдирини, ислоҳотлар муваффақиятини, демакки, юрт келажаги, миллат равнақини айни шу масала ечими билан боғлади. Бизда янги мулкдорлар синфи вужудга келади ва биз мустақиллик ишида уларга таянамиз, деди. Тадбиркорликка йўл очилди, ғовлар, тўсиқлар, собиқ тузумнинг сақланиб қолган тақиқлари бархам топди. Кейинчалик хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, бу борадаги ташаббусларни рағбатлантиришга доир қатор фармонлар қабул қилинди, ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Янгидан ташкил топган "Бизнес-фонд" зиммасига тадбиркорларнинг энг яхши лойиҳаларини қўллаш, тадбиркорлик ишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш, жойларда, хусусан қишлоқларда тадбиркорлик инфраструктурасини ривожлантириш, бу ишга чет эл сармояларини жалб этиш, тадбиркорларни зарур ахборотлар билан таъминлаш вазифаси юкланди. Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан солиқ олишда маълум имтиёзлар бериш ҳуқуқига эга бўлди.

Ва айни пайтда улар тадбиркорликнинг ҳудудий, узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли дастурларини ишлаб чиқишлари, тадбиркорлик фаолиятининг устивор йўналишларини белгилашлари зарур деб ҳисобланди. Қонунларимизда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик ишига, тадбиркорларга, демакки мулкдорларга муносабати, масъулияти ва жавобгарлиги аниқравшан белгилаб қўйилди. Бу ҳолатлар Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида қабул қилинган "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги қонунда янада ойдинлашди.

Ҳозир республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш туфайли олинаётган тушумларнинг эллик фоизи тадбиркорликни ривожлантиришга сарфланмоқда. Жаҳоний тажрибалар даражасидан қараганда ҳам эътиборга молик бу кўрсаткич бизда мулк эгалари ва мулкдорларга муносабат амалда ўзгарганлигидан далолат беради. Янада аниқроғи мулкдорларнинг пайдо бўлишидан давлатнинг ўзи ҳам манфаатдор эканлигини ифодалайди. Чунки, мулкдор оёққа турса, эртага у давлат зиммасидаги маълум вазифаларни ўзига олади, давлатнинг амалий кўмакчисига айланади.

Энди масаланинг иккинчи томонига ўтайлик. Шароитлар яратилди, қонунлар қабул қилинди, мулкдорга муносабат ўзгарди, хусусий мулк озодликка чиқди. Натижа-чи? Биз тадбиркорлик ишининг бугунги умумий ҳолатидан, даражасидан, салмоғи ва истиқболидан қаноат ҳосил қила оламизми?

Бу саволларга "Ташаббус-95" шиори остида ўтган кўрик-танлов маълум маънода жавоб берди. Тадбиркорлик иши бизда аста-секин ўз мавқеини тикламоқда. Халқимиз ичида бугунги талаблар даражасида фикрлай оладиган, бозорда кучли рақобатга бардош бера оладиган товарлар ишлаб чиқаришга қодир тадбиркорлар, ишбилармонлар жуда кўп. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ анча-мунча муваффақиятларни қўлга киритиб қўйдилар, хорижий сармояларни республикамиз иқтисодига жорий этишда, чет эл фирмалари билан шерикдошлик қилишда, илғор техникавий ечимлардан фойдаланишда ташаббускорлик қилмоқдалар. Лекин...

Хусусий тадбиркорлик ишининг умумий аҳволи билан чуқурроқ танишиш шуни кўрсатадики, қаноат ҳосил қилишга, хотиржам бўлишга ҳали эрта. Бу ишда ҳозиргача нимага эри-

Танловга

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

"ДУНЁ ТОЖИРЛАР БИЛАН ОБОДДИР..."

шилган бўлса, демакки улар бугунга, нари борса эртанги кунимизга хизмат қилади. Бизга эса узоқ истиқболга ярайдиган ютуқлар керак. Масалага шу жиҳатдан қараганда ишнинг яна баъзи жиҳатлари ойдинлашади.

Биринчидан, тадбиркорлик - осон иш эмас. Афсуски, айрим кишилар хусусийлаштириш баҳонасида у ёки бу даражада мулкка эга бўлиб олдилар, хусусий корхоналар очдилар, номлари жарангдор фирмаларга раҳбарлик қилмоқдалар. Аммо, таассуфлар бўлсинки, ҳали-ҳануз бирон бир иш қилишгани йўқ. Улар кўп ҳолларда халқимиз учун зарур бўлган бирон бир маҳсулот ишлаб чиқариш ўрнига, очиқ қилиб айтганда, шунчаки олиб сотарлик билан шуғулланмоқдалар. Иккинчидан, биз юқорида тадбиркорлик йўлидаги жамики тўсиқлар олиб ташланди, дедик. Аслида ҳам шундайми? Айтиш жоизки, ҳали-ҳануз хусусий мулкка ола кўз билан қараётган, мулкдорларни, тадбиркорларни хушламаётган, муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб бермаётган раҳбарлар бор. Улар юртбошимизнинг "Ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир. Раҳбарлик, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олиши зарур. Раҳбар деган ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрт равнақи йўлида елиб югурадиган фидойи инсон бўлиши керак", деган сўзлари маъносини ҳали-ҳануз чаққканлари йўқ. Бундай кишилар ўзлари тадбиркорлик қилмайдилар, ташаббуслардан чўчийдилар ва шунинг учун ҳам, тадбиркорга, унинг ташаббусига ола кўз билан қарайдилар.

Учинчидан, ҳақиқий тадбиркор - энг аввало ватанпарвар, миллатпарвар бўлади. Халқ мулкига, миллат манфаатларига хиёнат қилмайди. Беш сўмлик фойда деб юз сўмлик, минг сўмлик бойликни четга узатиб юбормайди. Афсуски, бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Диёнатсиз, инсофсиз, нафси ҳакалак отган бундай кимсаларнинг қилмишлари тўғрисидаги маълумотларни ўқиганингда, "Шаҳар бедарвоза эмас" кўрсатувида кўрганингда, кўзингга қараб туриб ҳақингга хиёнат қилаётган, ёлғон гапираётган, тошутарозидан уриб қолаётган сохта тижоратчига дуч келганингда, бозор эшигида деҳқонга пуписа қилаётган олибсотарни давраларда ҳалолликдан, покликдан ваъз айтиб, "Отчопар" бозорида бунинг тамомила аксини қилаётган кимсаларни кузатганингда бир нарсани ўйлаб қоласан, киши. Биз тижоратчига ҳамма эшикларни очиб қўйдик. Аммо унинг қалбига, маънавиятига назар солдикми? Тилида нима, дилида нима - билдикми? Мен ҳамма ҳақида ҳам бирдай фикр юритаётганим йўқ, ҳамма тижоратчи ҳам шундай дейиш фикридан узоқман. Аммо, бозор шундай бир жойки, бирнинг касри мингга уради. Бундан саккиз йил аввал Брюсселдаги машҳур Шарқ бозорида сотувчи йигит бизни кўриб "Э, Тошкентданмисизлар, биламан, икки йил аввал борганман, Самарқандни, Бухорони бориб кўрганман. Юртингизга қойил қолганман, ҳали-ҳали эслаб юраман. Аммо: шу бозордаги сотувчилар ҳисобкитобни ҳалиги... чўтда қилишар экан, қайтим беришда сал адашишадимией...", деган эди.

х х х

Бозор қадим-қадимлардан бери миллатнинг юзи, шаъни, миллат маънавиятининг даражаси ҳисобланиб келган. Қадимги савдогарлар ўзга шаҳарлар, ўзга юртларнинг одамлари, турмуш шароитлари тўғрисида бозорига, ҳаммомларига, мусофирхоналарига қараб ҳам фикр қилганлар. Айни шу жойларда тартиб-интизом, саранжом-саришталик бўлса, бировнинг ҳақига хиёнат қилишмаса - бундай юртни мақтаб кетганлар, акси бўлса - у жойларга қайта қадам босмаганлар.

Чироқчидаги машҳур Чиял бозорининг машҳурлиги нимада? Чиял бозорида ўғирлик йўқ, ғирромлик, алдоқчилик йўқ. Тош-тарозиси жойида. Кўзни шамғалат қилиб уриб қолиш, суриб кетиш деган иллатлар бу жойга юқмаган. Қассоблари инсофли, диёнатли. Ва яна муҳими - бозор мутасаддилари ҳарқалай, кўзи тўқ, деворда ҳақи бўлса ивитиб сомонини оладиганлардан эмас. Афсуски, давлатнинг, халқнинг қанчадан-қанча маблағи ҳисобига Шарқнинг энг кўркам, жозибали бозорларидан бирига айланиб бораётган "Олой" тўғрисида бундай гапларни айта олмаймиз мутлақо айтолмаймиз. Бу ерда кўнгилни айнитадиган, дилингизни оғритадиган иллатлар урчигандан урчиб етибди. Гўшт ва мева расталарида бўлаётган найрангбозликни, тош-тарозидаги фирибгарлик, афсунгарликни кўриб ёқа ушлайсиз. Бу ҳақда қанча ёзилмасин, қанча айтилмасин, мутасаддилар ўзларини гўё ҳеч нимани сезмаётгандек, ҳеч нимани кўрмаётгандек, билмаётгандек тутишмоқда. Бундай хотиржамлик аслида бежиз бўлмаса керак. Шу боисдан ҳам танқидларга парво қилаётганлари йўқ: "така бўлсин - сут берсин. Кундагик даромад келиб турибдими -келиб турибди. "Чой пули" тушиб турибдими - тушиб турибди. Бегники - бежоғлик. Менга деса килосидан чорагини уриб қолишмайдими...", дея парволари палак.

Тадбиркорлик миллатнинг интеллектуал даражасини кўрсатувчи ўзига хос барометр ҳамдир. Бозор - шунчаки олди-сотти жойи эмас, жамият ҳаётининг муҳим ижтимоий қирраси. Юрт, миллат тараққиёти қай йўналишда, бу юрт, бу миллатда қай тамойилларга амал қилинади - буни тадбиркор маънавиятига, бозордаги ҳолатларга қараб ҳам билса бўлади.

Касаба уюшмаларида

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

ЖИЗЗАХ. Қўйтош кони меҳнаткашларининг умумий йиғилиши бўлди. Унда кон маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда имзолаган ўтган йилги жамоа шартномасининг ижроси кўриб чиқилди.

-Иш билан таъминловчи ташкилот,-деди касабақўм раиси Нормуҳаммад Холбеков, -ходимларни ижтимоий ҳимоялашда жамоа шартномаси бандларига доим амал қилиб келди. Биз 1996 йилда ҳам ҳамкорликни манфаатли асосда қатъий йўлга қўйиш ниятидамиз.

Кон маъмурияти ва касабақўм раиси имзолаган жамоа шартномасида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бажариладиган ишлар, ажратиладиган маблағлар аниқ кўрсатилган. Жумладан, зарарли ишда ишлайдиган 138 кишига йил давомида кунига ярим литрдан бепул сут бериб борилади. Ер остида меҳнат қиладиганлар ҳар куни бепул овқат билан таъминланади. Бу ишлар учун 380 минг сўм пул ажратилди. Ўзаро келишувга мувофиқ дам олиш таътиллари 28 кун ўрнига 59 кун қилиб белгиланди. Фарзандлари "Кичкинтой","Гуллола" боғчаларида тарбияланаётган ота-оналар пул тўлашдан озод қилиндилар. Барча харажатни кон маъмурияти ўз зиммасига олди. Хонадонларини газлаштириш истагида бўлган уруш фахрийларига газ қувурлари бепул етказиб берилади. Дафн маросими учун ҳар бир оилага 1,5 минг сўмдан ёрдам кўрсатиш кўзда тутилмоқда.

Кончилар йиғилишида Ўзбекистон кон-металлургия саноати ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитасининг раиси М.Жамолиддинов, туман ҳокими муовини Д.Исоқов, Қўйтош кони раҳбари С.Искандаров сўзга чиқиб, меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш каби масалаларга тўхталдилар.

Алибой ЭРГАШЕВ,
"Ишонч" мухбири.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Боғот тумани ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш юзасидан ҳар йили ўзаро битим тузилиб, унинг бажарилиши назорат қилиб борилмоқда. Ўтган йил учун қабул қилинган битимда бир қатор янги вазифалар белгиланган эди. Аҳолини иш билан таъминлаш ана шулар ичида энг муҳимидир.

Ҳозир туманда 76 та хусусий корхона, 10 та фермер деҳқон хўжаликлари ташкил қилинган. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш даражасини оширишда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бандлик дастури бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилаяпти.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш диққат марказида. Санаторий-профилакторийларга йил сайин кўплаб киши жалб этилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тумандаги қатор жамоа хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар ижтимоий муҳофазалашни биринчи ўринга қўйиб, ғамхўрликни ошираяптилар. Кўп йил самарали меҳнат қилган нафақахўрларнинг пенсияларига қўшимча тўловлар ажратилиб, мактаб ўқувчилари учун кийим-кечаклар ҳамда ўқув анжомлари олиб берилмоқда. Бултур корхоналарда ишчиларнинг бепул ва имтиёзли овқатланишлари учун салкам 1 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, тунги сменада ишловчиларга, байналминал жангчиларга қулайликлар яратиш, кишиларни махсус кийим-бош, озиқ-овқат, якка ҳимоя воситалари билан таъминлаш масалалари ҳам ижобий ҳал этилаяпти.

С.АБДУЛЛАЕВ.

истеъмолчига-сифатли махсулот

«Янгийўл» ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти жамоаси ёғ, совун ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилаш борасида самарали иш олиб бормоқда.

Суратда: цех бошлиғи Р. Абдуллажонов ва ишчи Р. Назирбоевлар.

Р. ГАЛИЕВ сурати.

КАСБДОРЛАРНИНГ МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Меҳнат кучлари рақобатлашаётган ҳозирги даврда ходимнинг иш малакаси қандай даражада эканлиги муҳим аҳамиятга эга. Турмушимизга янги технология ва фаолият юритиш услубиятлари кириб келмоқдаки, бу ходимлардан алоҳида масъулият талаб қилади.

''Пахта-Банк''инииг Фарғона вилояти бўлими бўйича 19 та шаҳар ва туман шаҳобчалари мавжуд бўлиб, уларда 698 нафар ходим меҳнат қилади. Бу тизимда меҳнат қилаётганларнинг 161 нафари олий маълумотли, 257 нафари ўрта махсус маълумотлилардир, 51 нафар ходим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олийгоҳларда ва ўрта махсус билимгоҳларда таълим олмоқда. Хусусан, ўтган йили 18 нафар ходим Марғилон ҳисоб-кредит техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. 1994 йили қўшимча кадрлар тайёрлаш мақсадида Марғилон шаҳрида банк соҳаси бўйича иқтидорли болалар гимназияси ташкил қилинди. Билим масканида вилоят мактабларидан бўлган 30 нафар ўқувчининг таҳсил олиши учун ''Пахта-Банк''нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари кўмаклашмоқда. Гимназияда таълим олаётган ўқувчилар мактаб дастуридан ташқари, инглиз тили ва компьютерни чуқур ўрганмоқдалар. Кейинги икки йил ичида 24 нафар мутахассис Тошкент минтақавий банк ўқув Марказида, соҳалараро малака ошириш институтида ўз малакасини оширди. Учкўприк тумани бўлими мутахассиси Ж. Зайнобиддинов эса Туркияда малакасини ошириб қайтди. Шу йилнинг январь ойида Қува бўлимида эмиссия касса ишлари, давлат бойликларини сақлаш, банк биноларини янги техника ускуналари билан таъминлаш, рухсатнома билан кириб-чиқишни йўлга қўйиш масалалари юзасидан водийда 3 та вилоятнинг банк мутахассислари билан семинар-кенгаш ўтказилди. Касб эгаларининг бундай семинари бозор муносабатлари шароитида банк тизимини тубдан ўзгартириш, уни ислоҳ қилиш, молия масалаларини мувозанатга келтиришда алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ.

Ийд Рамазон муборак!

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг қарорлари ҳамда саъй-ҳаракатлари натижасида динимизга, миллий қадриятларимизга бўлган эътибор кун сайин кучайиб бормоқда. Хусусан, Президентимиз Фармонларига мувофиқ, Ийд-Рамазоннинг дам олиш куни деб эълон қилинганидан буён, мамлакатимизда бир неча йиллардан бери байрам сифатида кенг нишонланаётганлиги фикримизнинг далилидир. Шу муносабат билан муқаддас Рамазон ойи, ҳайит байрами арафасида мухбиримиз Давур Жозилов Ўзбекистондаги Туркия элчихонаси Дин ишлари маслаҳатчиси жаноб Ризо Салимбош ўғли билан мулоқотда бўлиб, унга саволлар билан мурожаат этди.

-Аввало Сизни ва Сизнинг халқингизни муқаддас Ийд-Рамазон билан қутлайман. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Диний ишлар қўмитаси билан Ўзбекистондаги Туркия элчихонаси Дин ишлари бошқармаси ўртасида алоқалар, ҳамкорлик ишлари ҳақида қисқача гапириб ўтсангиз...

-Раҳмат. Сизнинг Республикангиздаги Диний ишлар қўмитаси билан бизнинг ўртамизда алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Хусусан, ўтган йил, 1995 йил 23-25 сентябрь кунлари Туркиянинг Анқара шаҳрида Ўрта Осиё, Россия, Болқон ва Кавказ ўлкалари билан биргаликда "Евроосиё Ислом қурултойи" бўлиб ўтди. Унда сизнинг юртингиз вакиллари, дин арбоблари ҳам қатнашиб, у ерлик биродарлари билан фикр алмашиб, янги диний билимлар, тавсиялар олиб қайтишди.

Бундан ташқари, диний бошқармалар томонидан Туркияда Қуръон курсларида ўқитиш ва тажриба ошириш учун мадраса толиблари юборилмоқда. Туркиядан эса, Ўзбекистонга янги нашр қилинган диний китоблар келтириб, масжидларга вақф йўлида тарқатилмоқда.

Диний бошқармамиз Тошкентдаги Чилонзор туманида 3-5 минг кишига мўлжалланган масжид қурилишини режалаштирмоқда. Иншооллоҳ, бу режамиз ҳам тез вақтларда амалга ошажак.

-Мана муқаддас Рамазон ойи ҳам туғаб, юртимизда байрам нафаси уфуриб турибди. Рамазон ойи ва Рамазон ҳайити ҳақида, унинг фазилатлари тўғрисида батафсилроқ маълумот берсангиз.

-Рамазон ойи, унинг фазилатлари тўғрисида Қуръони Каримда, Пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам кўп яхши фикрлар айтилгандир. Қуръони Каримнинг "Бақара" сурасида қудратли Аллоҳимиз дейдиларки: "Рамазон ойи, инсонларга йўл кўрсатувчи, тўғрини эгридан фарқлай олишликнинг аниқ кўрсатмаси ўлароқ Қуръон нозил қилинган ойдир". Ва яна Пайғамбаримиз дейдиларки: "Кимки бунга ишониб, савобини Аллоҳдан сўраб рўзасини тутса, унинг ўтган барча гуноҳлари мағфират бўлгай".

Булардан кўриниб турибдики, Рамазон ойи муқаддасдир, қилган гуноҳларига чин дилдан тавба қилишса, тавбалари қабул бўлиб, ўтган гуноҳлари авф бўлгай. Рамазон биродарлик ва қут-барака ойидир. Шу ўринда Қадр кечаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Бу хусусда Қуръони Каримда "Бир куни минг ойдан ҳам қадрлироқдир" деб айтилгандир. Бу кунда мўмин киши нимаики ният қилса, ўз орзусига етишгай, орзулари амалга ошгай, иншооллоҳ.

Ислом динида ҳайит байрамларни уч турга бўлиш мумкин, яъни биринчиси - Муқаддас Рамазон ойидан сўнг бўладиган Рамазон Ҳайити. Иккинчиси - ҳаж сафаридан сўнг бўладиган Қурбон ҳайити ва ниҳоят учинчиси: ҳар ҳафтанинг жума куни қилинадиган Жума намози ҳайитидир.

Рўза руҳан ва жисмонан инсонларнинг нафсини тийишга қаратилган бир жиҳотдир. Мана шунинг учун мусулмонлар рўза ойини байрам билан якунлашга ҳақлидирлар. Ҳайит намози бомдод намози ўқилгандан сўнг, бир неча соатдан кейин қуёш чиққандан сўнг ўқилади. Муқаддас ҳайит намози ўқилгандан сўнг, ўтиб кетганлар қабри зиёрат қилинади. Қариндош-уруғлар бир-бирларини Ийд Рамазон билан қутлашиб, ҳадялар беришади. Бева-бечораларга закот, фитр садақалари берилади. Ҳафагарчиликлар унутилиб, дўст-биродарлик риштлари боғланмоғи лозим. Бир сўз билан айтганда, бу кунда кўнгиллар тозаланади, қалблар покланади.

-Рамазон ойида Ўзбекистонда Дин ишлари бошқармангиз қандай ишларни амалга оширди?

-Бу йил Туркиядан Рамазон ойида Ўзбекистонга 10 нафар қорилар келишди. Улар масжид ва мадрасаларда хатми Қуръон ила таровиҳ намозларини ўқишди. Булардан 8 нафари Тошкент шаҳрида, 2 киши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида Қуръонни хатм қилдилар. 40-50 минг нусхада "Намоз" (расмли китоб) ва "Қуръон ўқишга кириш" номли китоблар келтирилиб тарқатилмоқда. Яна рамазон тақвимлари, йиллик тақвимлар ҳадя қилдик. Яқин кунларда туркчадан ўзбек тилига ўгирилган "Пайғамбар ва Ашараи мубашшара" китобининг биринчи жилдини китобхонларингиз ҳукмига ҳавола қилмоқчимиз.

-Туркияда муқаддас Рамазон байрами қандай нишонланади?

-Туркияда ҳам Ийд Рамазон юртингиздагидек кенг нишонланади ва уч ярим кун давом этади. Фақир-фуқароларга фитр садақалари берилади, уйлар, кўчалар, қабристонлар тозаланади. Қариндош-уруғлар бир-бирларининг зиёратига келишади. Ҳайит намозини ўқиш учун одамлар эрта тонгдан масжидларга шошадилар. Бу йил ҳукуматимиз қарори билан ҳайит ойининг 9 куни байрам, таътил деб эълон қилинди. Аллоҳга ҳамду-санолар бўлсинки, бу албатта Муқаддас Рамазон ойи шарофати билан дир.

Ўзбекистон халқига байрам тилакларингиз...

-Ўзбекистонлик мусулмон биродарларимни байрам билан қутлайман. Бутун мусулмонларга, Ислом оламига яхши кайфият, тинчлик, омонлик тилайман. Бундан кейинги Рамазон байрамларига ҳам етказишни Аллоҳдан тилаб қоламан. Рамазон қувончи ўзбек халқини ҳеч қачон тарк этмасин.

Мен Россия Федерациясининг Петроповловск-Камчатка шаҳрида ишлаб, 1994 йилда пенсияга чиқдим.

Яқинда ўз юртимга кўчиб келдим. Пенсиямни олиш учун қаерга мурожаат қилишим мумкин?

Темур СУЮНОВ,
Самарқанд вилояти.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ, мазкур мамлакатларда ишлаб пенсияга чиққан ва кейинчалик яшаш жойларини ўзгартирган фуқароларга пенсия тўланиши белгиланган.

Бунинг учун Сиз, ўзингиз яшаётган Пахтачи туман ижтимоий таъминот бўлимига ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

1973 йилда "Республикада хизмат кўрсатган механизатор" фахрий унвони билан тақдирланганман.

Менинг иш ҳақимга устама тўланадими?

Деҳқонбой ТОШПУЛАТОВ,
Фарғона вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги "Фахрий унвонлар учун устама ва гонорар миқдорини ошириш тўғрисида"ги 274-сонли қарорига биноан Сизнинг аввалги "Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор" фахрий унвонингиз ҳозирги пайтдаги "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" фахрий унвонига тенглаштирилган ва мазкур унвон учун ойлик иш ҳақингизга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида устама қўшилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Молия, Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари томонидан 1993 йил 5 июлда ишлаб чиқилган "Фахрий унвонларга эга бўлган шахсларнинг иш ҳақи ва пенсиясига устама ҳақ тўлаш тартиби"га асосан хўжалик ҳисобидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган, фахрий унвон билан тақдирланган ходимларга устама ҳақ корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади.

Демак, Сизга устама ҳақ ўзингиз ишлаётган "Сирдарё" ширкатлар уюшмасидан ойлик маошингизга қўшиб тўланиши керак.

Ҳурматли редакция!

1986 йилда Чернобиль фалокати оқибатларини тугатишда қатнашганман, III-гуруҳ ногирониман.

Мен каби фуқароларга қандай имтиёзлар белгиланган?

Рустам АЛМАРДОНОВ,
Сурхондарё вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелда қабул қилинган "Чернобиль фалокати натижасида жабрланган ва Ўзбекистон Республикасида яшаётган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги 170-сонли қарори (1994 йил 11 январда ўзгартишлар киритилган)га мувофиқ Чернобиль АЭСи фалокати оқибатларини тугатишда қатнашган ва шу сабабли касалликка чалинган фуқаролар учун ногиронлик пенсияларининг энг кўп миқдори 1993 йил 1 июндан бошлаб:

1-гурух ногиронлари учун - энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида:

II-гуруҳ ногиронлари учун - энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорида:

III-гуруҳ ногиронлари учун - энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида белгиланади.

Мазкур пенсияларнинг энг кам миқдорлари юқорида кўрсатиб ўтилган энг кўп миқдорларнинг тегишлигига 50 фоизини ташкил этиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари Чернобиль қатнашчилари ва ногиронлари учун қуйидаги имтиёзлар ва кафолатлар, яъни:

-ҳар йили бир йўла бериладиган ва энг кам иш ҳақининг уч баробарига тенг бўлган моддий ёрдам олиш:

-санаторий, дам олиш уйлари ва профилакторийларда бепул йўлланма билан соғлигини тиклаш:

-дори-дармонларни бепул олиш:

-шаҳарлар ва шаҳар атрофидаги транспорт воситаларида бепул юриш:

-темир йўл, самолёт ва шаҳарлараро транспорт воситаларидан йилда бир марта хоҳлаган вақтда текин фойдаланиш:

-уй-жойларни ҳақ тўламасдан имтиёзли равишда хусусийлаштириш:

-электр қуввати ва коммунал хизматлардан фойдаланганлиги учун 50 фоиз ҳақ тўлаш:

-уй-жой қуришда банкнинг фоизсиз кредитидан фойдаланиш:

-солиқларни тўлашдан озод этилиш ва хоказолар белгиланган.

Батафсил маълумотларни ўзингиз яшаб турган тумандаги меҳнат ёки касаба уюшмаларининг тегишли идораларидан олишингиз мумкин.

Касбим - ўқитувчилик. Ҳозир фарзандим 2 ёшга тўлгунча бериладиган нафақа пулини олаяпман. Агар ўқитувчилик фаолиятимни бошласам, ушбу нафақа тўланадими?

Озода МИРЗАЕВА,
Самарқанд вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида"ги 1995 йил 16 августдаги Фармонига мувофиқ 1995 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, боласи 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга ҳар ойда 350 сўм миқдорида нафақа тўланади. Бу даврда она ўз хоҳишига кўра тўлиқ ёки қисман меҳнат фаолиятини давом эттириши мумкин.

Болалик аёлларнинг ушбу ҳуқуқий кафолати Ўзбекистон Республикаси янги Меҳнат Кодексининг 234-моддасида алоҳида таъкидланган. Ана шу қонун билан танишиб чиқишингизни маслаҳат берамиз.

Ҳурматли "Ишонч" таҳририяти ! Мен 1941 йилда туғилганман. КРАЗ-256 русумли автомобилда "Қашқадарёмармар" корхонасига тегишли ва денгиз сатҳидан 1300 метр баландликда жойлашган конда ишлайман.

Имтиёзли пенсияга чиқишга ҳаққим борми?

Ғани МУҲАММАДИЕВ,
Қашқадарё.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги пенсия Қонуни 12-моддасида қайд этилишича, тоғ-кон ишлари меҳнат шароити оғир ва зарарли ишлар ҳисобланиб, унда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар учун (3-рўйхатнинг 1 қисмида кўзда тутилган) умумий пенсия ёши 5 йилга қисқартирилади.

Сиз, агар бевосита технологик жараёнларда қатнашаётган бўлсангиз ва иш стажингиз камида 25 йилни ташкил этиб, унинг лоақал 12 йилу 6 ойи тоғкон ишларига тўғри келган тақдирда, 55 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқишингиз мумкин.

1969 йилдан бери мактабда ўқитувчилик қиламан.

Менга имтиёзли пенсия тайинланиши мумкинми?

Ж.БОЗОРБОЕВ,
Хоразм вилояти.

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида умумий белгиланган ёшни (ушбу қоиданинг 7-моддасида таъкидланган эркаклар учун - 60 ёш, аёллар учун - 55 ёш назарда тутилмоқда) 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифаси кўрсатилган.

Мазкур модданинг к) бандида қайд этилганидек, ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари:

-махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхатнинг 7-қисми 1.1-банди) улар пенсияга чиқиш ёши 5 йилга қисқартирилган имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. Таҳририятга мурожаат қилган Жумабой Бозорбоевнинг ўқитувчилик иш стажи 27 йил бўлиб, қонун талабига мос келади, аммо у кишига пенсия тайинланиши учун ёшлари 55 га тўлган бўлиши керак.

ҚАНОТЛАР ТАГИДАГИ ЗАҲРИ ҚОТИЛ

Одамларнинг устамонлигини кўриб беихтиёр ёқа ушлайсан киши. Ҳаёлингда йўқ нарсаларни қилишади, туймагурлар. Сурхондарё вилоятидаги 2-"Сариосиё" божхона пости ходимлари чегара қўшинлари билан биргаликда қўшни республикалардан келаётган машиналарни бирмабир назоратдан ўтказаётганларида бир ёқимсиз хид димоқларига урилди. Шундан сўнг машиналарни такрорий текширувга киришдилар. Текширувлар Братск шаҳрида истиқомат қилувчи Евгений Баранов бошқариб келган "ГАЗ-31029" русумли давлат белгиси А449 RUS автомашинаси олдига келганларида негадир машина эгасининг ранглари оқара бошлади. Буни божхона ходимлари дарров сезишди: демак бир гап бор.

Ҳақиқатан ҳам машина синчиклаб текширилганида унинг орқа ва олди қанотлари тагига яширилган 15 та целлофан ҳалта топилди. Унда гиёҳванд моддага ўхшаш ўткир ҳидли тўқ жигарранг модда бор эди. Тортиб кўрилганда у 22 килограмм 771 грамм гиёҳванд модда эканлиги аниқланди.

Евгений Баранов дастлабки савол-жавобдаёқ бу заҳри қотилни Душанбе шаҳар бозоридан 1500 АҚШ долларига сотиб олганлиги ва Россияга олиб бориб пул қилмоқчи эканлигини тан олди.

Самарқанд вилояти божхона хизмати ходимлари вилоят темир йўл ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда "Душанбе-Қонибодом" поездини текширганларида душанбелик Матлуба Фозилованинг сумкасидан 2 килограмм 80 грамм кўкнори шираси чиқди.

Бошқа купедан эса целлофан халтага ўралган, умумий оғирлиги 2 килограмм бўлган гиёҳванд модда топилди. Унинг эгаси душанбелик Анваржон Қаландаров бўлиб чиқди. Ҳар иккала ҳолат бўйича текширув ишлари олиб борилмоқда.

ГАЗАЛИННИНГ ЭГАСИ КИМ?

Фарғона вилоятидаги божхона пости ходимлари вақти-вақти билан шу ҳудуддаги омборларга рейдлар уюштириб, кўпгина камчиликларни аниқламоқдалар. Яқинда улар Риштон туманидаги Шимолий Сух газ сақлаш омборини текширувдан ўтказдилар. Шунда Риштон туманининг Чунгара қишлоғида истиқомат қилувчи Муҳаммадали Мадаминов ГАЗ-52 русумли давлат белгиси П 04-96 ФЕ бўлган автомашинада ноқонуний равишда 270 литр газалин ёнилғиси солинган 3 та бочкани омбордан олиб чиқиб кетаётганда ушланди. Умаришга тайёрлаб қўйилган 640 литр газалин ёнилғисининг эгалари эса текширувчиларни кўриб тумтарақай қочдилар. Ҳозир туман ички ишлар бўлими бу иш билан жиддий шуғулланмоқда.

Қўқон темир йўл шохбекатининг Шимолий бўлимига Ховос темир йўл станциясидан келиб тўхтаган юк поезди назоратдан ўтказилганда текширувчилар ғалати воқеанинг гувоҳи бўлдилар. 1806-рақамли йўл варақасида "бўш ҳолатда жўнатилди", деб кўрсатилган цистерна нефть маҳсулотига тўла бўлиб чиқди. Бу ерда катта сир борга ўхшайди. Сирни очиш тегишли органларга ҳавола этилди.

Жасур НОСИРОВ.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ БИЛАН ТАБРИКЛАШДАН МАМНУНМИЗ.

ҲАР БИР ОИЛАГА ТИНЧЛИК ОСОЙИШТАЛИК, БАХТ-САОДАТ ЁР БЎЛИШИГА ТИЛАКДОШМИЗ

«Шарқ Мир Лтд» қўшма корхонаси

«Демир» шўъба корхонаси

«Таш Мир» қўшма корхонаси

ИШДА СИФАТ БЎЛИШИ КЕРАК

Чирчиқдаги металлурглар маданият саройида Ўзбекистонда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати касаба уюшма ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди.

Унинг диққатга сазовор жойи шунда эдики, анжуманда меҳнат жамоасининг 1995 йилдаги фаолиятига якун ясалиб, маъмурият билан касабақўм ўртасида 1996 йил учун жамоа шартномаси тузилди.

Ўтган йил комбинат жамоаси учун енгил кечмади. Иттифоқнинг тарқалиши билан хўжалик алоқалари барбод бўлди. Ҳамдўстликдаги мустақил давлатлар корхоналарининг қарийб ҳаммаси тўлов қобилиятини йўқотди. Божхона тўсиқлари пайдо бўлди ва маҳсулотларга лицензия олиш тартиб жорий этилди. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб хом ашё, ускуналарни харид қилиш: ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишда анчагина мураккабликларни келтириб чиқарди. Ваҳоланки, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 5 минг истеъмолчига саксондан ортиқ ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

-Республика ҳукумати корхонамиз муаммолари ва эҳтиёжларига қийинчалик билан қаради,-дея эътироф этди комбинат бош директори Э.Пирматов. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Исмоилов иштирокида бўлиб ўтган кенгашда корхонадаги аҳвол чуқур таҳлил этилиб, бўҳрон ҳолатидан чиқиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Натижада Ўзбекистоннинг ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган эритиш техникаси маҳсулотига бўлган эҳтиёжини ўзимизда қондириш имконияти вужудга келтирилди.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлига мувофиқ равишда комбинатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш анча кўпайди. Ҳозир бундай молларнинг қирқдан ортиқ тури ишлаб чиқариляпти. Уларнинг ҳаммасига аҳоли ўртасида талаб катта. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаси 112,3 фоизга бажарилди. Режадан ташқари халқ учун 24 миллион сўмлик буюмлар ишлаб чиқарилди.

- Умумий фойдаланиш учун лампалар ишлаб чиқарувчи янги линиянинг ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 4 миллион сўмликни ташкил этди ва энг муҳими -янгидан 450 киши иш билан банд этилди. Мавжуд мураккабликларга қарамай, комбинатда ўтган йили маъмурият ташаббуси билан бирон иш ўрни қисқартирилмади.

-Қийинчиликлар, муаммоларнинг ҳаммаси ўтган эканини яхши биламиз. Бинобарин, бизнинг 36 миллат вакиллари ишлайдиган юксак малакали аҳил жамоамиз 1996 йилда олдимизда турган вазифаларни албатта уддалайди-дея қатъий таъкидлади корхона раҳбари. - Яхши ишладикми - пул ҳам бўлади ва ҳеч шубҳасиз, жамоа шартномасига киритилган ижтимоий дастур сўзи бажарилади. Зеро, жамоа шартномаси жамоа ҳаётининг ички қонуни бўлиб, унга риоя этиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Конференцияда сўзга чиққан корхона касабақўми раиси А.Увримов айнан ходимларнинг ижтимоий ҳимояси хусусида, меҳнаткашларнинг меҳнат муҳофазаси ва соғломлаштириш муаммолари ҳақида гапирди. У жамоа шартномасида ўтган йил учун белгиланган тадбирлар асосан бажарилганини қайд этди. Амалга оширилмай қолган тадбирларга тўхталиб, у ойлик маошларнинг вақтида тўлашдаги узилишлар ҳақида, ходимлар етарли даражада жомакорлар ва пойабзаллар билан таъминланмаганини танқид қилди. Шунингдек 9-микрорайонда 90 хонадонли уй битмай қолди, 8-цехдаги қурилиш-таъмирлаш тадбирлари уддаланмади.

-Асосий камчилик шундаки, деб таъкидлади касабақўм раҳбари ўз сўзида,- ўтган йили комбинат ходимлари ойлик маошларни жуда кечикиб олиб келдилар. Албатта, маъмурият ҳам, касабақўм ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ.

-Муаммони ҳал этиш йўлларини қидирдилар. Жумладан, санаторийларга, завод профилакторийсига йўлланмалар, пархез таом учун талонлар бериб борилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол молларини маош ҳисобидан тақсимлаш уюштирилди. Булар муаммони бутунлай ҳал этмаса-да, уни юмшатишга хизмат қилди.

Оғир молиявий аҳволга қарамай, атроф муҳитни муҳофаза этиш ишларини бажаришга режадаги 4,8 ўрнига 5,64 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Жумладан, 4-цехда буғлантирувчи ускуналарда аммиакни ушлаб қолувчи мосламани ишга туширилди, 6-цехда тоғ жинслари чиқиндилари қайта ишланиб, режадаги 30 минг ўрнига 41030 куб метр қоришма ҳосил қилиниб ишлатилди.

Комбинатда меҳнаткашларни ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилляпти. Маъмурият ва касабақўм «Гулзор» соғломлаштириш лагерида болаларнинг дам олишини ташкил этиш учун маблағлар муттасил излаб топиляпти. Лагерга йўлланма баҳоси фақат рамзий қийматга эга. Завод профилакторийсида 1400 киши ўз соғлиғини тиклади. Профилакторийда бир смена тўлалигича бепул фахрийлар ихтиёрига бериб қўйилди. 80 дан ортиқ ходим имтиёзли нархларда санаторий ва туристик саёҳатларга йўлланмалар олишди. Бир минг ходимга шифокорлар тавсияси билан пархез таомлар билан овқатланишга талонлар берилди.

Касабақўм раиси маърузасида 10-цех катта энергетиги А. Шуев, 14-цех назоратчиси Л. Зеленова, 6-цех бошлиғи муовини С.Хаитов, Ингичка кони касабақўм раиси И.Саломов ва бошқалар чиқишларида иш ҳақи масаласи кескин янгради. 1995 йил давомида ойлик маош икки марта оширилиб, йил охирида 1563 сўмни ташкил этди. Умум фикрига кўра бу етарли кўрсаткич эмас. Лекин 5 ойлик осмондан тушмайди. Иш ҳақи ошиб бориши учун ҳар бир ходимнинг чин дилдан меҳнат қилиши, хом ашё ва металларни тежамли сарфлаш тартибига қатъий риоя этиш, қувватлардан тежаб-тергаб фойдаланиш технологияси жорий эта борилиши керак.

1996 йил комбинат учун юбилей йилидир. Меҳнат жамоаси ўзининг 40 ёшини нишонлайди. Ҳар бир ходим яхши маош, фаровон ҳаёт кечиришга ҳақли. Шунинг учун ҳам бутун жамоамиз билан ҳамма ишларни аъло сифат ва юксак малака билан бажарамиз, дея қарор қилишди конференция қатнашчилари. Зеро, комбинатнинг ўз юбилейи-шонли 40 йиллигини қандай кутиб олиши ҳар бир ходим ва бутун жамоанинг ташаббуси, виждонли ишлашига боғлиқ.

А.СИЛЕЕНКОВ.

Спорт

ЮРТ ИШҚИДА ЁНАМАН

Севимли қўшиқдан олинган бу калима Рамазон ойи арафасида футболимизга бағишлаб ўтказилган йиллик анжуманнинг ўзига хос шиорига айланди. Тошкентда ўтказилган бу тадбирда мамлакатимиз футболининг кўзга кўринган мутахассисларию мутасаддилари, нуфузли идораларнинг раҳбарлари иштирок этишди.Йиғилиш аҳли ўтган йили футбол масумида эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиб, бу йил, хусусан яқин келажакда футболимизда туб ўзгаришларни амалга оширилиши юзасидан мулоҳаза, таклиф, керак бўлса эътирозларини баён қилдилар.

Ўзбекистон Ички ишлар вазири, республика футбол федерациясининг президенти З.Алматов ўз маърузасида футболни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли ўйинчилар сафини кенгайтириш масалаларига тўхталди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлатиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий қарорини аҳамияти нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир банди вазифаларини муддатида адо этиш, футболга даҳлдор ҳар бир идора ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарларига катта масъулият юклайди. Юртимиздаги бирча ўйингоҳларни жаҳон талабларига мувофиқлаштириш футбол жамоаларини клубларга айлантириш биринчи галдаги вазифалардир. Айни пайтда футболимизнинг келажагини яратиш учун ўринбосарлар, хусусан мактабларда болаларнинг футбол ўйнашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш керак. Афсуски, ҳозирги мавжуд тўртта ихтисослашган, 33 та болалар ва ўсмирлар ва 255 та футбол бўлимларида олиб борилаётган ишлар самарси талабга жавоб бермаяпти.

Қарорда кўрсатилганидек Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида футбол мураббийларини тайёрлаш ишларига киришилди. Шунингдек, оммавийликка эришиш учун яшил майдонлар соз бўлиши, ўйнайман деган ҳар бир йигитча учун тўплар етарли бўлиши зарурлиги ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Энг муҳими футболимиз жаҳон миқёсида довруғ қозониши учун майдонга тушган йигитнинг кўнглида Ватан ишқи, миллат ифтихори туйилган бўлса, мамлакатимиз нуфузи йўлида қилинаётган барча уринишлар самарали кечаверади. Йиғилишда Президентимиз давлат маслаҳатчиси А.Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, Ўзбекистон миллий олимпиада қўмитаси президенти С.Рўзиев, республика давлат спорт қўмитаси раиси Б.Маҳситов ва бошқалар иштирок этишди.

Мирзо АНВАР.

Оғриқли нуқталар

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЗАМОНАГА МУНОСИБМИ?

«Тақдир тақозоси билан менга уйланмоқчи бўлган йигит шаҳарда яшарди,-деб бошланади қўлимиздаги мактуб. У - билан дорилфунунда ўқиб юрган чоғларимиздаёқ аҳдупаймон қилгандик. Аммо... «Қиз қишлоқда ўсган экан, шаҳарча тутумни билмайди, тупорироқ бўлишади улар. Очиғи, бизга тўғри келмайди», деб йигитнинг ота-онаси ўзаро ҳукм чиқаришганмиш! Шу бир оғиз сўз билан ҳаммаси тугади. Бу ҳам майлия, уларнинг гапидан иззат-нафсим оғриди. Ахир, қачонгача биз қишлоқ қизлари шаҳарликлар кўзига «нўноқ» бўлиб кўринамиз икки қаватли, ихчам ва замонавий бинолар ҳақиқатан кўзни қувонтиргудек эди.

Ўша кунларнинг бирида «Қурбон механизаторнинг уйини телевизорга олишармиш», деган гап чиқиб қолди. Нега айнан Қурбон Ражабовнинг уйини? Чунки у илғор, илғор механизатор эса яхшигина маош олади. Боз устига янги уйда «мазза қилиб яшаётгани» телевизорчилар учун бозори чаққон мавзу эди. Ана шундан кейин бўлди томоша. Аслида механизатор серфарзанд, кечаю-кундуз ишлаб топгани битта рўзғордан ортмас, кейинги пайтда пулдан сал «тежаб» битта музлатгич сотиб олганини айтмаса... «Нега бу музлатгични ётоқхонага қўйгансизлар? Ошхонада туриши керак-ку,-дея тутақибли телемухбир. -Қани болалар дарс қиладиган хона?» Хуллас, телевизорга олиш «қийин» кечди: аллақаёқдан диван, стол-стуллар топиб келтирилиб, меҳмонхонага қўйилди, дастурхон усти мева-чева билан тўлдирилди, ҳатто болаларнинг дарс қилишлари учун махсус хона жиҳозланди. Ўша кўрсатувдан менинг тасаввуримда қолганлари шу: стол атрофидан омонатгина жой олган оила аъзолари, яхши яшаётгани ҳақида тутилиб-тутилиб гапираётган механизатор, ёнида кўзларини ердан узмайгина ўтирган аёли...

«Биз қишлоқликларнинг пешонасига фақат меҳнат битилган, қизим, роҳатини кўрмоқ ёзилмаган,-дейди кекса танишим, асл деҳқон Сувон Кучимов.-Эллик йилдан бери далада сувчилик қилиб «Сувон сувчи» деган номдан бўлак ҳеч нарса орттиролмадим. Бирор кун оёғимни узатиб дам олганимни билмайман. «Катталарга» ҳам ишлаб турсанг ёқасан, бошинг ёстиққа тегса, биров келиб ҳолингни сўрамайди. Умид билан кўз тикканим - ўғилларим эса мен не машаққатлар билан тиклаган иморатда яшамай, шаҳарда қолмоқни орзулаб юришибди...

«Сувон отани тушунса бўлади, албатта, Лекин эндигина дунёни таний бошлаган ёшларда не айб? Улар китобларда ўқигани, киноларда кўргани - «сирли ҳаёт»ни қишлоқдан топишолмаса нима қилишсин? Шаҳарда эса кўнгилочар томошалар, кинохона, театрлар дегандек...

Албатта, «Бешбола» посёлкасини ҳам, меҳнаткаш ҳаётини ҳам бугун ўша бўёқларда чизиб бўлмайди. Ҳар ҳолда қишлоқ аҳли замонага мос яшашни ўрганиб бормоқда. Аммо масаланинг моҳияти ўзгаргани йўқ. Ҳамма соҳада бўлганидек бу борада ҳам собиқ Империядан аянчли мерос қолган. Қишлоқдаги ададсиз муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Улар ҳар биримизни ташвишга солмай иложи йўқ.

«Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовут йўқотилди,-дея қулоғимизга қуйишарди бир пайтлар ўқитувчиларимиз. Эндиликда қишлоқ ҳаёти тобора замонавий тус олмоқда». Тўғри, ўша пайтлар бунга ишонганмиз: ҳовлилардаги қўлбола ҳовузлар кўмиб ташланиб, жўмрагини бураса суви шариллаб оқадиган кранлар ўрнатилган, йўллар кенгайтирилиб асфальт ётқизилган, хонадонлар суюлтирилган газ ола бошлаган эдилар. Аммо бу ҳам вақтинчалик экан. Қишлоқда ток тез-тез учавераганидан электрга уланган артезиан қудуқлар ишдан чиқди, асфальт деганлари чукиб-чукиб тагидан тупроқ кўринадиган, суюлтирилган газ тақсимлайдиган тракторлар эса икки-уч ойда бир кўриниш берадиган бўлиб қолди. Одамлар яна узоқдан сув ташиб ича бошладилар, бузиб ташланган ерўчоқлар қайта тикланди, қишлоқ қишлоқлигича қолди. Унинг шаҳар билан фарқи ер билан осмонча эди...

Юртимизда истиқлол шамоллари эса бошлагандан бери қишлоқ аҳлининг дардлари енгиллашмоқда. Мустақиллик шарофати билан энг олис, чекка қишлоқларга ҳам сув, табиий газ кириб келаяпти. Одамлар ўзларига берилган қўшимча ердан фойдаланиб, рўзғорини бутлаб олишмоқда. Буларнинг ҳаммаси яхши албатта. Лекин...

Шаҳарлик одам одатда харид қилган буюмларини (айтайлик, мебелни) «шаҳарча» тартибга кўра жойлаштиради. Қишлоқлик-чи, у қайси тартибга кўра... Музлатгични ётадиган уйга қўйиб, кийим шкафи ошхонада турадиган, столнинг устига кўрпача тахлаб, болалари ерга узала тушиб дарс қиладиган оилалар йўқ дейсизми? Бор, лекин уларни-да айблаб бўлмайди. Замонавий турмуш даражасини ошириш учун биз қишлоқ олдида ҳали кўп қарздормиз. Яна бир муаммо: қишлоқ уйлари, уларнинг миллий ўзига хослиги, маҳаллий шарт-шароит ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз лозим.

Демоқчиманки, ётоқхона, меҳмонхона, болалар хонаси, ҳаммом ва ошхона алоҳида бўлганига нима етсин! Мутахассисларимиз, зукко меъморларимиз бу борада ўз сўзларини айтишлари керак. Новвойхонаси, сартарошхонаси, томошагоҳлари бўлган қишлоқлар бизда оз эмас. Лекин бор нарсадан эплаб фойдаланиш, уни кўз қорачиғидек асрашга келганда... Кечагина қурилган янги томошагоҳни олсангиз, болалар чиқиб бир-икки марта ўйнаса-ўйнайди, бўлмаса йўқ. Кўпинча яшил майдон узра қўй ки сигирлар ўтлаб юрганини кўрасиз. Ахир ўша томошагоҳ халқнинг пулига қурилган-ку! Бу аҳволда биз қачон замонавий яшашни ўрганамиз?

...Дунёнинг олис чеккасига борадиган йўл - Сизни қишлоққа элтади. Жийдазор кўчаларида кезасиз, иссиқ нон иси димоғингизга урилади. Меҳнатга қоришиқ далаларни оралаб кетаверасиз. Сўнг меҳрли одамлар даврасида яйраб сел бўласиз, кўнглингизнинг тугунлари ечилиб кетади. Шаҳарча диққинафасликдан асар ҳам қолмайди. Фаровонликдан ўзга орзуси, яхшиликдан ўзга тилаги бўлмаган бу содда одамларнинг ҳаётига бир мунавварлик бахшида этган келади. Мўъжиза юз бериб, бу мунавварлик қишлоқ ва қишлоқ аҳлининг эртанги кунини ёриштириб юборишини истасак, Мўъжизани эса ўзимиз, мустақил Ўзбекистоннинг ўктам фуқаролари яратади...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
«Саодат» журнали ходими.

Касаба уюшмалари ва спорт

СТАДИОНДА ИШ ҚИЗҒИН

Ватанимизда оммавий ва профессионал футболни ривожлантириш, моддий базасини такомиллаштириш, ўзбек футболининг дунёвий нуфузини мустаҳкамлаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган қарори Қашқадарё вилоятида ҳам шу соҳадаги ишларни жонлантириб юборди. Мавжуд стадионларни таъмирлаш ишларига киришилди. Касаба уюшмалари вилоят кенгашига қарашли «Меҳнат» стадиони Қарши шаҳрида жойлашган. У вилоятдаги энг катта стадион ҳисобланади. Ҳозир бу ерда иш қизғин. Стадионни жаҳон талаблари даражасига жавоб берадиган масканга айлантириш учун амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди. Уни таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини вилоят сув хўжалиги, «Қаршиқурилиш», «Қаршиқурилишиндустрия» бирлашмалари, вилоят коммунал-хўжалик, вилоят автомобиль йўллари, вилоят электр тармоқлари бошқармалари, «Қаршидарёқурилиш» ва қишлоқ қурилиши трестлари олиб боришаяпти.

— Стадионда бажарилган ва бажариладиган ишлар кўп, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси Санақул Эшонқулов. Ҳозир бир йўла ҳар қайси қурилиш ташкилоти ўзига ажратилган ишни бажармоқда. Масалан, футбол майдонидаги чимлар олиб ташланиб, 90 сантиметр чуқурликда кавланмоқда. Шу қалинликдаги тупроқ чиқариб ташлангач, майдон тагига дренаж ётқизилади. Қум, шағал, тоза унумдор тупроқ, маҳаллий ўғит ташланади. Жами 2400 тонна тупроқ ишлари бажарилади. Шунингдек, югуриш йўлакчаларига тўшалган регаполь қисман таъмирланади. Ҳозир Шарқий ва Ғарбий минбарларни кенгайтириш таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жанубий минбар остидаги спорт заллари ҳам қайта таъмирланиб, унинг усти ёпилади.

Санақул Эшонқулов билан биргаликда стадионни кўздан кечирдик. Ҳамма ерда иш кетаяпти. Экскаватор футбол майдонидаги тупроқни кавлаб машиналарга юкламоқда. Қурувчиларнинг ҳам қули-қулига тегмайди. Илгари 7 минг томошабинга мўлжалланган бу ойнатоҳ қурилиш ишлари тўла бажарилгач 10 мингга яқин кишини ўз бағрига сиғдира олади. «Меҳнат» стадионида футбол майдонидан ташқари бир нечта спорт иншоотлари мавжуд. Улар ҳам тўлиқ таъмирланади. Жумладан, 1981 йилдан бўён қурилиши битмай ётган универсал спорт зали ҳам тўла ишга туширилади. Унда гимнастика, волейбол, баскетбол, теннис, кураш, бокс каби спорт турлари билан шуғулланиш мумкин бўлади.

Шунингдек, стадионнинг ғарбий қисмида 150 метр узунликда девор тортилмоқда. Шу билан бирга 2 қаватли маъмурий бино, унинг ёнида матбуот маркази, спортчиларга хизмат кўрсатиш ва бошқа мақсадларга мўлжалланган 2 қаватли яна бир бино қурилиб ишга туширилади. Бундан ташқари стадионда ободонлаштириш ишлари ҳам кўп. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши уларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишига бош-қош бўлиб турибди. Қурилиш-таъмирлаш ишларининг шу йил апрель ойида тўлиқ тугалланиши кўзда тутилган. Ана шунда стадион жаҳон стандарти талабларига тўла мос ва қўплаб спорт ишқибозларини ўз бағрига оладиган бўлади.

Муродилла КЕНГБОЕВ.

Тошкентлик Давлат мукофоти нишондори рассом Марат Содиқов янги асарлар устида ишламоқда. Ҳозирги кунда у Сомонийлар сулоласига тегишли бўлган IX-X асрда қурилган ёдгорликлар бўйича расмлар чизмоқда:

Суратда: республика Давлат мукофоти нишондори рассом М. Содиқов Бухоролик рассомлар даврасида.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) сурати.

Тўлқин ИМОМХЎЖАЕВ

Кутилмаганда даҳшатли ўлим ажойиб инсон, шоир, ёзувчи, журналист дўстимиз Тўлқин Имомхўжаевни орамиздан олиб кетди. У кишини таҳририятимизда ишлаб юрган кезларидан ҳаммамиз-нафақат журналистлар жамоаси, балки «Ишонч»нинг барча мухлислари ҳам яхши билар, севардик.

Тўлқин ака вафотидан бир кун олдин ҳам таҳририятимизда бўлиб, ҳамма қадрдонлари билан чақ-чақлашиб кеттандилар. Ҳар галгидек ижод намуналаридан олиб келиб, шу ерда юракдагиларини ёзиб, ғуборлардан ҳалос бўлиб кеттандилар. Биз яна яхши-яхши шеърлар, ҳикоялар, ҳаётдаги кузатувлари маҳсулотларини олиб келишга ваъдаларини олиб қолгандик.

Афсуски, яхши дўстимиз, устоз қаламкаш, меҳрибон ҳамкасбимиз бугун орамизда йўқ. Аммо унинг ёрқин хотираси, одамлар қалбига нур, эзгулик бағишловчи шеър, ҳикоя, мақолалари билан ҳар биримизнинг ёдимиздан учмайди.

Шоир юрак тафтини яна бир бор газетхонларимизга етказиш мақсадида Тўлқин ака Имомхўжаев қаламига мансуб сўнгги ижод намуналарини эътиборингизга ҳавола этамиз. Ўйлаймизки, улар сиз азиз газетхонларимизни ҳам бефарқ қолдирмайди...

«Сиз севган Алишерман...»

НАВОИЙ МОНОЛОГИ

Бугун яна Сизлар билан
учрашувга келдим мен,
Дилимда не гапим бўлса,
барин Сизга рост дерман.
Гардингизни кўзга суртай
деб ёл каби елдим ман,
Сизлар билган Навоийман,
Сиз севган Алишерман.
Бугун Сизга беш асрдан
оша туриб айтгум сўз;
Унутманглар, мен ҳам Сизлар
севган Турон ўғлиман.
Менинг учун эллар бари
«бири қошу, бири кўз».
Ҳар одамнинг дўстидирман.
ҳар кишининг кунглиман.
Амир Темур наслиданман,
эътиқодим ҳам ўхшаш:
Аввал Аллоҳ, сўнг тафаккур,
қилич, иймон ва китоб,
Киприкдаги томчи ёшдай
ўтар умр ва яшаш,
Замин эса уша-уша,
уша-ушадир офтоб!
Ҳақ йўлида ҳақни дедим,
элу-юртни ўйладим,
«Лаббай, она халқим!» — дея
хизматга бойладим бел.
Оқибатни, садоқатни,
муҳаббатни қуйладим,
Дўстим, сенга янги ғазал
ўқиб берай, яқин кел!
Бу дунёда ишонганим —
шеърдан бўлак илинж йўқ,
Ташвишим ҳам, шодлигим ҳам
ғазалларда қолгуси.
Халқим мени унутмагай —
бундан доим кўнглим тўқ,
Шеър бор жойда игво, бўҳтон
албатта йўқолгуси!
Бир-бирига меҳрибону
имонли бўлса дўстлар,
Яхшиларнинг уйларига
доим шодлик тўлади.
Тўй-тантана кўркли бўлур
шоир қатнашса агар,
Бетобни ҳам ғазал билан
даволаса булади.
Заҳматкашим, она халқим,
сенга яккаш тилагим:
Бошинг узра ястанмасин
қора қўланка — булут.
Яхши-ёмон кунларингда
зарур бўлса керагим,
Мен ёнингга шошиб боргум,
қадрдоним, қўлинг тут!
Умид билан, ишонч билан
тўлгусидир юрагим,
Умид билан ёққан чироқ
нурин сочгайдур ҳамон.
Мен уйғоқман, руҳим уйғоқ,
ерга тегмас қурагим,
Ишонганим яна уша:
инсон, инсон ва инсон!
Умрим бўйи оқибатни,
садоқатни мадҳ этдим,
Қўлни қўлга бериб агар
яшасангиз, бўлгим шод.
Мен Тангрига суяндиму
иймон, дея байт битдим,
Яшаш эса ҳамон уша,
уша-ушалар ҳаёт!
Адолатли бўлинг дедим,
шоҳ-гадога, бир хил-тенг,
Ҳалолликни қўлдан берманг,
қўлоғингиз бўлур тинч.
Бир бурда нон, бир луқма ош —
Сиз уни ҳалоллаб енг,
Шунда сизни тарк этмагай
Кўнгли тўқлик ва севинч.
Ҳаром-ҳариш йўлга юрсанг,
кечирмас Парвардигор,
Ҳар бир ёлғон, ҳар бир туҳмат
бўлур гуноҳи азим.
Бу дунёда ҳар нарсанинг
жавобу ҳисоби бор,
Бажо этинг Оллоҳгаю
поқдил инсонга таъзим!
Гуноҳларга ботмай яшанг —
мен суянган кишилар,
Тана ўлур, руҳлар эса
яшаб қолади мангу.
Яхши ният тиласангиз,
соф юраклар эшилар,
Шундагина жаннатни сиз
арзир қилсангиз орзу!
Азизларим, ҳаммага тенг
раҳм-шафқатли бўлинг,
Етимларнинг бошин силаб,
ташналарга тутинг сув.
Йиқилганни тепиб ўтманг,
қатъий сўз-аҳдли бўлинг,
Ҳар бир босган қадамингиз
ярқираб турган кўзгу.
Уйлаб боқсанг, кўп яхшилар
бугун кетдилар қаён?
Улар ёқиб кетган чироқ
ёниб турар-ёқилган.
Қанча умр кўришингиз
танҳо Оллоҳга аён,
Бутун умр йўлларингиз
пешонага ёзилган.
Тангри ўзи бандасини
бенасиба яратмас,
Ҳамманинг ўз ризқи бордир,
ўрни бордир ҳаётда.
Бу дунёда меҳнат қилган иззаттопар,
хор бўлмас,
Сабр қилган инсон борки,
бахт топгуси, албатта!
Юртдошларим, беш асрдан
оша кўзим тикканман,
Туронзамин, Туркистон бу
кўзларимнинг қораси.
Бор гапимни, қалб қўримни
ғазалларга тўкканман,
Бахтни топиб яшаб ўтсин
ҳар ўзбекнинг боласи.
Билсангиз гар, ҳар бирингиз
ишонч, суянган тоғим,
Тилагим шу: кўксимда қўл,
яшангиз омон-омон.
Очиқ сизга кенг қучоғим
ва қолди ижод боғим,
Сизга бўлсин жондан суюқ
Туронзамин — Туркистон!

БОБО ВАТАНИ

— Чумолини-да инини бузиш ҳам бу дунёда мушкул экан, — дейди йўл қурилиши бошлиғи Иброҳим ака Хожи бобо ҳақилаги воқеани сўйлаб берар экан.

Хожи Бобо Эски шаҳардаги нураб кетай-нураб кетай деб турган уйлардан бирида яшайди. Бобо юз ёшга яқинлашиб қолган бўлса ҳамки, ҳали тетик, бардам. Бозор-учарга ҳали замон ўзи тушади. Кампири ҳам ўзи оғзига ёқадиган нарсаларни ҳарид қилиб келишни севади. Кампири келинлик чоғида пашмакни ёқтирар эди, чоли тушмагур уйига яқин бозордан ҳалигача пашмак олиб келишни унутмайди. Бутун маҳалла аҳли йўл қурилишига жон-диллари билан рози бўлдилар. фарқатгина Хожи Бобо тиш-тиноғи билан қарши туриб олди:

— Отамнинг, онамнинг руҳлари яшаб, доимо менга ҳамроҳ бўлиб келаётган уйни ҳеч-ҳеч буздирмайман, — деб баланд келди. — Отамнинг оталари шу уйда туғилганлар, отаму мен ҳам шунда вояга етганмиз. нима ҳақларинг бор бу уйни бузиб! Ким бузса, уни арвоҳ уради.

— Отахон, қўяпсиз, қуча тор. Машиналарни қўяверинг-ку, битта извош ҳам сиғмай қолди энди! Шу қучани кенгатириб, троллейбус, автобус қатнайдиган кенг, катта шоҳ қуча қурамиз. «Йўл қурган одам савобга қолади», деб узларинги айтардингизлар-ку! — дейди қуйиниб Иброҳим ака. — Ўзингиз ҳам кейин ҳурсанд бўласиз!

Гапга Бобонинг қартайиб ва мункайиб бир ҳовуч бўлиб қолган кампири аралашди:

— Намунча гувала уйингизга ёпишиб олдингиз?! Бутун умр чакка ўтиб келган уй бузилганидан ҳурсанд бўлиб, янги уйга кўчиб ўтаверсангиз, асакангиз кетадими? Намунча инжиқлик қиласиз, чол! — деди бидирлаб.

Бобонинг ҳам энди астойдил жаҳли чиқиб кетди:

— Сен гапга аралашмай тур, шум кампир. Бу уйда мен туғилганман, сенинг уйинг бошқа бўлган. Шунинг учун сенинг жонинг ачимаяпти. Келгиндиларга ўхшаб, чамадонингни кўтариб, ҳўп деб дарровгина кетаверасанми, билиб қўй — бу уй йўлнинг бир чеккасида қолса ҳам булаверади. — деди бобо ушқириб.

— Ҳали мен келгинди бўлиб қолдимми?, сассиқ чол! - кампир йиғлаб юборди. — ўзи менга кўнглингиз йўқлигини саксон йилдан бери билсам ҳам чидаб келяпман. Боринг-эй, энди бу гапингизга чидай олмайман. Устингиздан маҳалла раисига арз қиламан. Майли, ажратиб юборақолсинлар!

— Турт томонинг қибла, бор, кетавер. Ана, янги уйга сен кўчиб ўта қол. Мен эсам шу қулбамда қолавераман, — деди Хожи Боб оқатъий оҳангда.

Иброҳим ака қараса-ки, чолу-кампир ёш болалардай урушиб кетяптилар. Энди у қурилиш эмас, уларни келиштириб қўйишга ҳаракат қила кетди:

— Отахон, онаҳон! Қўйинглар, кўп куйинаверманглар. Майли, ҳозирча қулбаларингиз туратуради. Фақат, сизлар яраштиб олинглар! — унг қули билан чолни, чап қули билан кампир қўлларини тутиб, бир-бирларига яқинлаштираркан, — Қиличми, тўқмоқми? — деб сўради.

Кампир кўз ёшларини ёнига артар экан, дарровгина шаштидан тушиб:

— Тўқмоқ! — деб юборди беихтиёр.

— Ҳо, ёқмай ўлсин! — деди Бобо ҳам бушашиб, — Бедананинг уйи йўқ, қайга борса питтиқлиқ экан-да!

— Тўқсон йил ўртоқ — Иброҳим ака чол-кампир қўлларини бир-бирига ушлатиб қўяркан, мийигида кулдида, кампирга юзланиб: — Онахон, энди кеч пайтга ош дамлайсиз, мен яраш ошига келаман. Ўшанда ҳамма гапларни бафуржа гаплашиб оламиз, — деди қуча томон аста йўналаркан.

...Эртаси куни чолу-кампир шаҳар марказидаги янги таъмирланган ҳовли уйга кўчиб ўтишди. Уйда анчадан буён одам яшамаган шекилли, ҳовли чўл бўлиб ётарди. Ҳовли ортида бир жуфт қарағай дарахти ҳам бор бўлиб, бир пайтлар бу уйда яшаган одам ўзбек бўлмаганлигини билдириб турарди. Бобо эрта тонгданоқ анчадан буён ишлатилмай занглаган кетмонини қўлга олиб ҳовлини саранжом-саришта қилишга тушиб кетди. Чолу-кампирдан хабар олгани келган Иброҳим ака ҳам Бобо ёнига тушиб, чолнинг қўлидан кетмонини олди-да:

— Отахон, Сиз уринманг! Бизлар улгурмадик. Ҳали замон ҳашарчилар келишади. Ҳовлингизни кўнглингиздай қилиб беришади. Сиз анови сўрига чиқиб, ёнбошлаб ётинг! — деди айвондаги қадимий сўрини кўрсатиб.

— Чол деб камситма,ўғлим! Илигимиз тўқ, ҳали ёшлардай ғайратим ҳам бор. Ишонмасанг, ана кампирдан сўра! — қиқирлаб кулди Бобо.

Сўри ёнига қўйилган самоварга ўт ташлаётган кампир мингирлаб қўйди:

— Нималар деб алжияпсиз, қариб қуйилмаган чол?!

— Сени мақтаяпман, кампиршо! — Бобо ҳамон кулгидан ўзини тия олмас эди.

Чол-кампирлар суҳбатини тинглаган Иброҳим ака дил-дилидан, мусичадай беозор, фаришталарга ўхшаб, ҳаётдаги ҳар бир ишга ёқадиган, ҳеч нарсадан ранжимайдиган, ҳеч нарсадан ҳафа бўлмайдиган, ҳеч нарсадан ҳадиксирамайдиган, ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган, ҳеч нарсадан ҳаловатсизланмайдиган, ҳеч нарсадан ҳаяжонланмайдиган, ҳеч нарсадан ҳафсаласи пир бўлмайдиган, ҳеч нарсадан ҳафсаласи ёмонлаш